Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 100 (20. 967) 1991 йил 28 май, сешанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

ИҚТИСОДИЁТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — БОШ ВАЗИФА

Умуман иқтисодиётимиз самарадорлигини ошириш, шу жумладан ихтиёримиздаги хом ашёни чуқур қайта ишлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг техникавий сифат белгиларини яхшилаш ҳисобига самарадорликни кучайтиришни бош вазифамиз, деб биламан. Шу маънода жумҳуриятларнинг бозор муносабатларига ўтиш чоғида иқтисодий ҳолатини бараварлаштириш Ўзбекистон иқтисоднётига нисбатан — пахта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини оширишдир. Жумҳуриятда ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун катта имкониятлар бор. Бу эса Ўзбекистоннинг ўз манфаатларига ҳам, умуман мамлакат манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади. Ишлаб чиқаришни кўпайтириш — аҳолини моллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан яхшироқ таъминлашнинг ҳақиқий йўлидир.

Бу фикрни Иттифоқ Бош вазири Иттифоқ ва жумҳуриятларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда айтди. Журналистларнинг саволларига В. С. Павлов билан биргаликда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов ҳам жавоб қайтарди.

Жумҳуриятлар, корхоналар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштиришга хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди. Бу соҳада Ўзбекистон яхши намуна бўлмоқда.

В. С. Павлов жумҳуриятда юз берган табиий офат тўғрисида гапириб, халқлар дўстлиги — социализмнинг буюк ғалабасидир, бинобарин, биз ундан воз кечмаймиз ва воз кечмоқчи ҳам эмасмиз, деб таъкидлади. Бошига кулфат тушган дўстларга биз биргаликда ёрдам беришимиз лозим. У жала ва дўл оқибатларини тугатиш учун ҳукумат мумкин бўлган ҳамма ишни қилади, деб ишонтирди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонга бинокорлик материалларини юбориш айниқса муҳимдир.

В. С. Павлов билан И. А. Каримов журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, иқтисодиётдаги ишларнинг аҳволи тўғрисида батафсил сўзлаб бердилар, янги Иттифоқ шартномасини тузишнинг муҳимлигини таъкидладилар. Бу шартнома фақат сиёсий муаммоларни эмас, шу билан бирга иқтисодий муаммоларни ҳам ҳал қилишда, хусусан жумҳуриятларнинг улар иқтисодий дастурларини амалга ошириш учун жуда зарур бўлган халқаро бозорга чиқишида жумҳуриятларга мустақиллик беради.

Журналистлар билан учрашувда жумҳуриятда ҳал қилиниши лозим бўлган ғоят муҳим муаммолар ҳақида гапирилди. Улар орасида аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари, сувдан фойдаланиш, Оролбўйида экология вазиятини яхшилаш масалалари бор.

«Аср лойиҳаси» — Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга оқизиш ҳақидаги лойиҳа тақдири тўғрисида савол берилди. Илмий жиҳатдан синаб кўрилган ва аниқ жавоб бўлиши керак, деб ҳисоблайди В. С. Павлов. У бу масалада, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлигига эътиборни қаратди. И. А. Каримов бу муаммо хусусида ўз нуқтаи назарини баён қилиб берди. У лойиҳа юзасидан текшириш ишлари тўхтатилгандан сўнг аҳоли, қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган майдонлар кўпайиб бораётган Ўрта Осиё минтақасини сув билан қандай таъминлаш мумкин, деган асосий масалага олимлар ва амалиётчилар шу вақтга қадар жавоб бермаганликларини таъкидлади.

СССР Бош вазири В. С. Павлов 25 май куни Тошкентдан Москвага жўнаб кетди. СССР ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган аэропортда уни Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Президент Кенгашининг аъзоси В. М. Камолов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси, шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

В. С. Павлов самолёт пилларояси олдида Ўзбекистон Ахборот агентлиги ва телевидение мухбирларининг саволларига қисқача жавоб қайтарди.

— Ўзбекистон меҳнаткашларига бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, муваффақият ва келажакда яхши турмуш бўлишига умид қилишларини тилайман. Мен Ўзбекистонга келиш учун анчадан бери тайёргарлик кўрардим, афсуски, катта мусибат рўй берди ва зудлик билан бу ерга келдим. Барча дўстларимга кўлимдан келганича ёрдам бериш учун ўз вақтида келдим, деб ўйлайман, — деди Иттифоқ Бош вазири.

В. С. Павлов Ўзбекистонда бўлган вақтида Тошкент вилояти бўйлаб сафар қилди. Лимонзорда, Р. Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Ленин йўли» жамоа хўжалигида бўлди.

(ЎзТАГ).

СССР Бош вазири В. С. Павлов Р. Шредер номли илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида.

А. ГОРОКРИК ва Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат (ЎзТАГ).

Валентин ПАВЛОВ:

«ТАШАББУСИНГИЗНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМАН»

СССР Бош вазири В. С. Павлов 22—25 майда Ўзбекистонда бўлди. У жумҳурият ҳаёти ва унинг муаммолари билан танишди. Жала ва тошқиндан зарар кўрган бир қатор вилоятлар ва ноҳияларга сафар қилди. Қорақалпоғистон, Хоразм ва Тошкент вилоятларидаги корхоналар ва ҳўжаликларнинг меҳнаткашлари билан учрашди. Нукус ва Урганчда партия, совет ва хўжалик фаолларининг йиғилишлари ўтказилди. Уларда мамлакат Бош вазири марказнинг жумҳуриятга кўрсатадиган ёрдами дастурини, табиий офат туфайли кўрилган улкан зарарнинг ўрнини тўлдириш режаларини баён қилди. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг кеча бўлиб ўтган мажлисида ҳам шу ҳақда гап борди. СССР ҳукуматининг бошлиғи совет халқлари қардошлиги муносабатлари ва ўзаро ёрдами амалда яна бир карра ўз ифодасини топади, жумҳурият кулфатда ёлғиз қолмайди, деб ишонтирди.

В. С. Павловнинг Ўзбекистон бўйлаб сафарида унга Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, Туркманистон ССР Бош вазири Ҳ. А. Аҳмедов, Қорақалпоғистон ва вилоятларнинг раҳбарлари ҳамроҳ бўлишди.

Валентин Сергеевич «Рабочая трибуна» мухбирининг саволларига жавоб қайтариб, жумладан, қуйидагиларни қайд этди:

— Мен бу сафаримдан яна бир мақсадни — яъни, жумҳуриятнинг бозорга ўтиш арафасидаги ҳозирги шарт-шароитлари қандай эканлигини ўрганишни кўзда тутган эдим. Бу маънода Ўзбекистон ҳавас қиларли даражада эмас. Жумҳурият неча ўн йиллар давомида хом ашё ўлкаси сифатида ривожланиб, фойда ўрнига зарар кўрса ҳам, умумий вазифани бажариб келди. Жумҳурият бозор иқтисодиётига ўтаётган бир пайтда ривожланган қайта ишлаш саноатига ва товар ишлаб чиқариш базасига эга бўлмаслигида ундаги аҳолининг айби йўқ. Боз устига Ўзбекистон Орол муаммолари билан боғлиқ экологик ҳалокат зонасидадир. Бундай аҳволни умумий куч-ғайратларни сафарбар этиш орқали ўнглаб олиш лозим.

— Ўзбекистондаги, умуман олганда эса бутун Ўрта Осиё минтақасидаги энг ўткир муаммолардан бири ишсизликдир. У айни пайтда қолоқ иқтисодий база ва аҳоли турмуш даражасининг ниҳоятда пастлиги билан боғланиб кетган. Жумҳурият ушбу муаммоларни ҳал этишда Иттифоқ идораларининг кўмагига умид қилса бўладими?

— Шак-шубҳасиз. Тўғри, лойиҳалар илгари ҳам бўлган. Бироқ улар, менинг фикримча, кабинетларда тўқилган бўлиб, реал ҳаётдан узилиб қолган эди. Масалан, минтақа аҳолисини кенг кўламда бошқа ерларга кўчириб жойлаштириш дастурини олайлик. Бироқ, ҳеч ким ихтиёрий равишда бу ердан кўчишни ўйлаб ҳам кўрмайди. Иқтисодиёт структурасини аҳоли эҳтиёжларига қараб буриш лозим. Биз эга бўлган улкан табиий бойликларни қайта ишлаш даражасини ошириш зарур. Бу — минтақадаги, жумладан, Ўзбекистондаги муаммоларни ҳал этиш йўлларидан бири бўлади.

— «Рабочая трибуна» таҳририяти муаммоларнинг ниҳоятда мураккаблигини тушуниб, ишсизликдан муҳофаза қилувчи Бутуниттифоқ жамғармасини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Сиз мамлакат Бош вазири сифатида бу ташаббусни қандай баҳолайсиз?

— Давлат жиддий масалаларни ҳал этар экан, ҳар қандай ёрдамдан воз кечишга ҳаққи йўқ. Ягона шарт шуки — ишлар юксак савияда олиб борилиши даркор. Одамларга ёрдам бермоқ учун нимани, қаерда ва қандай тарзда бажариш лозимлигини аниқ-равшан билиш шарт. Масалан, биз бориб кўрган Нукус уйсозлик ёки Хива гилам комбинатлари жамоаларига қандай ёрдам бера оламиз? Қорақалпоғистонда 40 мингдан зиёд, бошқа минтақаларда эса бундан ҳам кўпроқ ишсиз мавжуд. Фақат капитал маблағлар, моддий мададнинг ўзи кифоя эмас. У ердагиларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам даркор. Одамларга бозор шарт-шароитларига ўтишда маънавий ёрдам берайлик.

Шу жиҳатдан олганда сизлар бошлаган ташаббусни меҳр-шафқат ишига ўхшатгим келади. Масалан, бунда тиббиёт ходимлари эпидемияда дастлабки зарбани ўзларига олганлар. Албатта, бу таққослаш шартли. Аммо аҳамияти нуқтаи назаридан эса, одамлар учун жамғармани вужудга келтириш жуда муҳимдир. Ўзбекистондаги муаммолар билан таниш-ув бунга яна бир карра ишонтирди. Хуллас, сизларнинг ташаббусингизни ихтиёримиздаги барча воситалар билан қўллаб-қувватлаймиз.

Рустем ТЭЛЛЬ,
(Ўз мухбиримиз).

(«Рабочая трибуна», 1991 йил, 25 май).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида

1. Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларнинг турмуш даражаси пастлигини ҳисобга олиб, инсонпарварлик, меҳр-мурувват туйғусидан келиб чиқиб ва шу тонфадаги пенсионерлар ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишини таъминлаш мақсадида уларга қуйидаги имтиёзлар берилсин:

— Уй ҳақи ва коммунал хизматлар (сув таъминоти, газ, электр ва иссиқлик энергияси) учун ҳақ тўлашдан озод қилинсин;

— Умумий фойдаланишдаги шаҳар йўловчи ташиш транспортида (таксидан ташқари) ва қишлоқ жойларда ўзлари яшайдиган маъмурий район ҳудудида умумий фойдаланишдаги автотранспортда бепул юриш ҳуқуқи берилсин;

— Шифокорлар рецепти билан бериладиган дорилар учун ҳақ тўлашдан озод қилинсин;

— Белгиланган миқдордаги энг зарур моллар бепул берилсин.

2. Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар пенсия гувоҳномасининг республика ижтимоий таъминот идоралари берадиган махсус қўшимча варақаси биринчи бандда кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат деб белгилансин.

3. Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот вазирлиги, Ўзбекистон ССР Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти вазирлиги, Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 1-бандда кўрсатилган имтиёзларни бериш тўғрисида низом тайёрласин.

4. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

5. Ўзбекистон ССР вазирликлари ва идоралари, совет ва хўжалик идоралари жойлардаги ёлғиз пенсионерларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ишини кучайтирсинлар, жамоат ташкилотларининг, корхоналарнинг, муассасаларнинг ва фуқароларнинг муҳтож пенсионерларга ёрдам бериш борасидаги хайрия фаолияти қўллаб-қувватлансин ва ривожлантирилсин.

6. Мазкур Фармон 1991 йил 1 июлдан бошлаб кучга киритилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 27 май.

Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонига шарҳ

Ўзбекистон ССРда яшайдиган ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ва Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот вазирлигининг муассасалари рўйхатида турган ёлғиз кекса пенсионерлар кўп. Қариндошуруғлари, оиласи бўлмаган ва энг кам миқдорда пенсия оладиган бу одамлар озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур моллар нархи оширилишидан, айниқса, кўп азият чекдилар.

1991 йил 1 июлдан бошлаб кучга киритиладиган ушбу Фармон шу тоифадаги аҳоли моддий таъминотини яхшилаш мақсадида уларга имтиёзлар беради. Бундай шахсларнинг номма-ном рўйхатини район (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими халқ депутатлари район (шаҳар) Совети ижроия комитети билан биргаликда тузади.

Пенсия дафтарчасининг махсус қўшимча варақаси шу имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат ҳисобланади. Бу қўшимча варақа район-шаҳар ижтимоий таъминот бўлимининг муҳри ва масъул шахс имзоси билан тасдиқланган бўлади.

Имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини олган ёлғиз пенсионерлар пенсия гувоҳномасининг қўшимча варақаси асосида район-шаҳар ижроия комитетининг ёки корхонанинг (уй идорага қарашли бўлса) уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти томонидан квартира ва коммунал хизмат учун ҳақ тўлашдан озод қилинади. Ижарачининг шахсий ҳисоб варақасига бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Жамоат транспортида (таксидан ташқари) бепул юриш учун ҳам пенсия гувоҳномасини қўшимча варақа билан бирга кўрсатиш зарур.

Ёлғиз, меҳнатга лаёқатсиз пенсионерлар Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва иштирокчилари каби энди шифокор рецепти билан дори-дармонларни бепул олишади. Дорилар соғлиқни сақлаш муассасаси СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган махсус бланкага ёзилган рецепт билан олинади.

Яшаш жойига қараб бириктирилган дўконда ёлғиз пенсионерга тасдиқланган рўйхатдаги энг зарур молларни белгиланган миқдорда бепул бериш учун улар рўйхатга олинади. Бу ҳақда шу мақсад учун тутилган махсус дафтарга ёзиб қўйилади.

Шу билан бирга Ўзбекистон ССР вазирликларига, идораларига, совет ва хўжалик идораларига жойларда ёлғиз пенсионерларга улар турмуш даражасини оширишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ишини кучайтириш, жамоат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва фуқароларнинг хайрия фаолиятини кенг ривожлантириш тўғрисида кўрсатма берилган.

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Белоруссия ССР ҳукумати уй-жойларнинг, халқ хўжалиги иншоотларининг вайрон бўлишига, экинларнинг нобуд бўлишига олиб келган табиий офат муносабати билан Ўзбекистон халқларига ва ҳукуматига самимий ҳамдардлик билдиради. Белоруссия ҳукумати ва меҳнат жамоалари республикаларимиз ўртасидаги ҳукуматлараро битимда кўзда тутилган мажбуриятлар бажарилишига алоҳида эътибор берадилар.

Белоруссия Вазирлар Кенгашининг Раиси

КЕБИЧ.

ИЖАРАЧИЛАР КЕНГАШДИЛАР

● Москвада СССР ижарачилари ва тадбиркорлари уюшмасининг II съезди бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда жами 11 миллион ижарачи бор. Ишни силжитиш борасида яхши режалар тузилган. Аммо шартномавий мажбуриятларни бажаришда қийинчиликлар учраб турибди. Съездда нотиқларнинг нутқларида турли-туман фикрлар баён этилди. Фикрлар хилма-хиллигига қарамай, съезд қатнашчилари ягона иқтисодий кенглик, умумиттифоқ бозори керак, деган яқдил хулосага келишди. Чиндан ҳам иқтисодиётимиз бозор муносабатларига ўтаётган вақтда ижара ишлаб чиқариш самарадорлиги ва турмуш даражасини оширишнинг энг таъсирчан вазифаларидан биридир.

СССР Президенти М. С. Горбачев съезд қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

КОСМОНАВТЛАР ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШИШДИ

ТАСС АХБОРОТИ

● Совет космонавтлари Виктор Афанасьев, Муса Манаров ва Буюк Британия фуқароси Хелен Шарман «Мир» станциясида парвоз дастурини тугатганларидан сўнг 1991 йил 26 май куни Москва вақти билан соат 13 дан 5 минут ўтганда ерга қайтиб тушдилар.

«Союз ТМ-11» кемасининг туширувчи аппаратлари Жезқазғон шаҳридан 68 километр жануби-шарқда, белгиланган ерга кўнди. Космонавтлар Ерга қўнганларидан сўнг ўзларини яхши ҳис этишмоқда. Узоқ давр давом этадиган тўқкизинчи экспедиция экипажи — Анатолий Арцебарский билан Сергей Крикалев «Мир» орбитал комплексидаги ишларни давом эттиришмоқда.

ИЛМИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

● ТАСС мухбири Виктор Лебедев Абу-Дабидан хабар беради:

Тошкент ва Амирлик дорилфунунлари ҳамкорлик ҳамда илмий алоқаларни ривожлантириш тўғрисида келишиб олдилар. Тошкент давлат дорилфунуни ректори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Эркин Юсупов бошчилигидаги делегация Бирлашган Араб Амирликларига ташриф буюрган чоғда аҳдлашувга эришилди.

Совет делегациясининг Ал-Айн шаҳрида Бирлашган Араб вазирликлари олий таълим вазири Нахайян Ал Нахайян билан бўлган учрашувида Бирлашган Араб Амирликлари билан ўзбекистонлик олимларнинг бир қанча инсоний муаммоларни биргаликда ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотларни айирбошлаш, араб қўлёзмаларининг Тошкентдаги жуда бой мажмуини ўрганишда куч-ғайратларни бирлаштиришдан манфаатдор эканликлари таъкидланди. Ўзбекистон ва Амирлик томони валютасиз асосда муаллимлар ҳамда талабалар алмаштиришни ташкил этиш керак деган фикрни билдирдилар.

Келаси йилнинг баҳорида ТошДД ва Амирлик дорилфунуни Тошкентда имом ал Бухорийнинг мусулмон маърифатини ривожлантиришдаги аҳамияти тўғрисида қўшма анжуман ўтказадилар. Ўзбекистонда Амирлик дорилфунуни иштирокида араб маданият марказини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилади.

ОЧИҚ ЭЪТИРОФ

● «Ўзэлектротерм» корхонаси жамоасининг маҳсулотлари хорижий элларга ҳам етказиб берилаётир. Куба, Вьетнам, мамлакатларининг қатор корхоналарида диёримизда тайёрланган асбоб-жиҳозлар жуда қўл келаётир.

«Ўзэлектротерм» бирлашмасининг Намангандаги бош заводига яқинда Австриянинг «Асконт» фирмаси вакиллари келишди. Улар ишлаб чиқариш режалари билан танишдилар. Пачь трансформаторлари, электр иситгичлар ҳамда бошқа қурилмалар меҳмонлар эътиборини тортди. Маҳсулот ҳажми ҳам, сифати ҳам уларга маъқул тушди. Австрияликлар эътирофига кўра, Ўзбекистон корхонасининг маҳсулоти чет эл корхоналари маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша олади.

ТУШЛИК ЯНГИ ОШХОНАДА

● «Совпластитал» Совет—Италия қўшма корхонаси ишчи-хизматчилари учун яна бир қулайлик яратилди. 150 ўринли ошхона фойдаланишга топширилди. Бу ерда Германия ва Италия мамлакатлари саноат корхоналарида тайёрланган жиҳозлар ўрнатилди. Ошхона залларини эса корхона ишчи-хизматчилари безашди.

Корхона маъмурияти ва меҳнат жамоаси кенгашининг қарори ҳаммага маъқул: ҳар куни ҳар бир ходимга 2 сўм тўланяпти. Тушлик овқат харажати эса 1—1,5 сўмдан ошмаяпти.

Воқеалар, янгиликлар, шарҳлар

• ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ХАТЛАР

БЎСТОНЛИҚ — БЎСТОН ДЕГАНИ

ЛЕКИН АЙНИ ПАЙТДА УНИ ШУНДАЙ ДЕБ АТАБ БЎЛМАЙДИ. МАЗКУР РАЙОН ПАРТИЯ ҚЎМИТАСИ ЎНИ ШУ ДАРАЖАГА ОЛИБ ЧИҚИШГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚУША ОЛАРМИКИН?

УМИД ҚУРҒОНИ ЕКИ ОДАМЛАР ОРАСИДА

...«Бўстон деганда ҳамма ёғи кўм-кўк, дов-дарахтларга бурканган, сой, ариқларга тоғлардан шилдираб булоқ сувлари қуйилаётган, ҳавоси оромбахш, офтоби фарахбахш макон тушунилади. Бироқ, бу ифода бўстонга нисбатан бир томонламадир. Ушбу маконда яшаётган меҳнаткашлар дастурхони тўкин-сочин бўлмаса, уларнинг талаб-эҳтиёжларига яраша меҳнат ва турмуш шарт-шароитлари, соғлом муҳит, кўтаринки руҳ яратилмаган бўлса, у ҳеч қачон тўлақонли бўстон бўлолмайди...».

Ноҳия партия қўмитаси саркотиби Акбарали Йўлчиев район коммунистларининг нуқтаи назари, хоҳиш-иродаси шундай эканлигини таъкидлаб турганида эшик очилиб, ёшгина бир жувон унинг қабулига киришга изн сўради. Рухсат олгач, ўзини таништирди:

— Исми-шарифим Саломат Турғунова, «Правда» газетаси 50 йиллиги» шўро хўжалигиданман, — деди у ва ийманиб мақсадга кўчди. — Олий билимгоҳни битириб қайтдим. Касбим—иқтисодчи. Лекин хўжалик раҳбарлари мени омборчи қилиб тайинлашди.

— Райкомдан бошқа ташкилотга ҳам мурожаат этдингизми! — сўради котиб.

— Йўқ, тўғри шу ерга келдим. Райком аралашса, ҳал бўлмайдиган иш камдан-кам, деб одамлар маслаҳат беришди.

— Ундай бўлса, ҳозирча шу вазифангизда ишлаб туринг. Бу масалани тезда ҳал қилиб берамиз. Ахир олий маълумотли иқтисодчининг омбор мудири бўлиб ишлаши мақсадга мувофиқ эмас...

Аёл котиб ҳузуридан мамнун бўлиб чиқиб кетди...

Биз саркотибдан ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирини ҳам суҳбатга таклиф қилишни сўраганимизда таассуф билдирди:

— Аппаратдагиларнинг кўпчилиги Бурчмуллага кетишган. Бизда шундай тартиб жорий қилинган: партия ходимларимиз кечгача хўжаликлар, қишлоқларда одамлар орасида бўлиб, улар дардини эшитишади. Кечга томон эса идорадаги ишларини давом эттиришади. Айнан қуйи ташкилотларда меҳнаткашлар билан бўлган мулоқотда каттаю кичик масалалар ўрганилади. Иложи топилса, муаммолар ўша жойнинг ўзида ҳал қилинади. Айрим вақт талаб қиладиганлари райком бюросигача олиб чиқилади. Масалан, кейинги ойларда чорвадорлар меҳнат фаолияти, турмуш шароитлари атрофлича ўрганиб чиқилгач, бу муҳим масала бюро мажлисида муҳокама қилинди. Ўрни келганда шуни айтишим лозимки, партия фақат мафкуравий ишлар билан шуғулланиши керак, деган фикрга шахсан мен қўшилмайман. Айтинг-чи, партиямизнинг олий мақсади — халқ турмушини фаровон қилишдан иборатми? Шундай бўлгач уй-жой, йўл қурилиши, водопроводлаштириш ва газлаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш масалалари ҳам ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади. Зеро, меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжлари ҳамда жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлмаган биронта сиёсий ишнинг ўзи йўқ...

Дарҳақиқат, шундай. Бироқ, кўп жойларда партия ўз обрўсини йўқотгани ҳам рост. Советларнинг эса бундай маҳалда янги вазифаларни, аслида ўз асл вазифаларини бажаришга ҳали етарли даражада тайёр эмасликлари аён бўлиб қолди. Шундай шароитда партия ташкилотлари иқтисодий ҳаёт, ижтимоий турмушимиздаги барча мушкул масалалар билан шуғулланишлари, муаммолар юзасидан ўз таклиф ва ташаббусларини қуйи ҳамда юқори давлат идораларига йўллаб, уларнинг амалга оширилиши учун қатъий курашишлари лозимдир. Шунингдек, Советлардаги коммунистлар фаолияти орқали ҳам кўп эзгу ниятларни рўёбга чиқариш мумкин. Зотан, партиянинг нигоҳи аввалгидан ўткир, тафаккури кучли, нуқтаи назари доимо барқарор, халқчиллиги зўр бўлиши унинг ўзи бошлаган қайта қуриш талабларига ҳам тўла мос тушади. Бу талаблар даражасида фаолият кўрсатиш эса партия аъзолари сафларининг сифат кўрсаткичига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

СИДҚИДИЛДАН ЁРДАМ БЕРИБ

Модомики, гап фирқамизнинг обрўсига, коммунистларнинг партияга бўлган муносабатларига ҳам бориб тақалар экан, турмушдан олинган мисолларнинг ўзи бу масалаларни равшанроқ ифодалайди. Ўтган йили Бўстонлиқ ноҳиясида партия сафларидан чиқишни сўраб 50 нафар киши бошлангич партия ташкилотларига ариза ёзди. Аризалар аксариятида қайта қуришда, иқтисодиётни изга солишда партия ролига ишонмаслик, жойлардаги маҳаллий раҳбарлар меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжларига панжа орасидан қараётганликлари, қулай меҳнат ва турмуш шароитлари яратиб берилмаганлиги фирқа сафидан чиқишга асосий сабаб қилиб кўрсатилган эди. Табиийки, бу жиддий сабаб ва унга асло бефарқ қараб бўлмайди. Масалан, 15-мактаб муаллимаси М. Эргашева партия раҳбарлари ҳамон турли имтиёзлардан фойдаланаётганликлари, халқ билан ҳисоблашмасликларини ўзининг партиядан чиқишига сабаб қилиб кўрсатади. Лекин у агар бошқа бирор бир партия бўлганида бажонидил унга кириши мумкинлигини айтади.

Хўш, энди бир мулоҳаза қилиб кўрайликчи, ҳеч қачон адашмайдиган ва хатоларга йўл қўймайдиган, мукаммал партиянинг ўзи бормикин дунёда ёки бўлиши мумкинмикан? Ўзимиз уюшган партияни ўзимиз такомиллаштира боришимиз, камчиликларни тугатиш учун ҳар биримиз сабот-матонат билан курашишимиз лозим эмасми?

Худди шу мактаб муаллимаси Д. Муслимова ҳам КПССдан ҳеч қандай наф йўқ, деб уни айблай туриб, ўз бошланғич партия ташкилоти фаолияти бўшашиб кетганлигини таъкидлайди. Партиядан чиқишига шуларни сабаб қилиб кўрсатади. Ҳолбуки, кичик бир меҳнат ёки фирқа жамоасида, агар камчиликлар билан курашишга қатъий бел боғлайдиган бўлсак, ҳар биримиз катта ишларни қила олишимиз мумкин-ку!

«ЧарвакГЭСстрой» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси бош инженери А. Ломухиннинг эса бошқа мақсади бор эди. У партия аъзоси бўлишни имтиёз деб тушунар, ундан шахсий манфаати йўлида фойдаланиб қолишни ўйларди. Райком бирлашма директорлиги лавозимига унинг номзодини қўллаб-қувватламагани учун ҳам у партия билетини топширди. 4-механизациялашган кўчма колонна экскаватор машинисти Р. Илёсов ҳам партияга ишончсизлик билдириб, унинг сафидан чиқишга ариза берди. Булардан қатъи назар, аризачилардан 35 кишининг партияда қолишига муваффақ бўлинди.

— Партия сафларини тозалаш унинг атрофига уюшган коммунистлар жанговарлигини, жипслигини оширишга хизмат қилади,— дейди райком бюроси аъзоси, ноҳия ижроия қўмитаси раиси У. Йўлдошев. — Лекин бундай тадбир мишмишларга учиб йўлидан адашган баъзи коммунистлардан ажралиб қолишимизга олиб келмаслиги керак...

Дарвоқе, мамлакатда сиёсий ва иқтисодий тангликка, миллатлараро низо ва жанжаллар ҳукм сураётган, турли норасмий уюшма ва ташкилотлар Компартияга хуруж қилаётган бир пайтда «кўнгли бўш» партиялилар ўртасида иккиланишлар, йўлдан адашишлар бўлиши табиий ҳол, албатта. Хўш, ана шундай шароитда райкомнинг нуқтаи назари қандай бўлди? Аппарат ходимлари, сайлаб қўйиладиган партия органлари аъзолари ва партия фаоллари ўрни 4 минг нафардан зиёд коммунистни бирлаштирган қуйи партия ташкилотларида бўлди. Шахсий мулоқотлар, тушунтиришлар, баҳслар республика Компартияси янги Устави ва Ҳаракат дастурининг асосий қоида, хулосалари юзасидан суҳбатлар ўз самарасини берди. Бу тадбирлар нафақат партия сафидан чиқаётганларни сақлаб қолиш, балки айрим бузғунчи гуруҳларга қарши кураш тусини олган эди. Бундай жараён партиясизларнинг ҳам ким томонида бўлиши ва кимга эргашиши масаласини аниқ белгилаб берди. Агар ўтган йили жами 15 киши партия билетини топширган бўрса, партияга кирганлар сони салкам 200 нафарга етди.

— Райкомнинг ҳар томонлама ёрдамини сезиб турамиз, — дейди Калинин номли жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби, республика Компартияси XXII съезди делегати Шомурод Шосалов. — Бирон муҳим юмуш йўққи, у райком вакилисиз ҳал қилинган бўлса. Партия ташкилотимизда қишлоқ Кенгаши, хўжалик раҳбарларининг ҳисоботлари эшитиб борилади. Белгиланган тадбирларни амалга ошириш борасида муайян ишлар қилинди. Айни пайтда Хондайлиқ қишлоғини газлаштириш, ичимлик сув билан таъминлаш масалалари ҳал бўляпти. Бу, бизнингча, ижтимоийгина эмас, балки муҳим сиёсий масала ҳамдир. Сафимиздаги 66 нафар партия аъзосидан биронтаси ҳам КПСС сафидан чиқишни хаёлига келтираётгани йўқ. Аксинча, яқинда оддий деҳқон Ҳасанбой Болтабоев қуйидаги мазмунда ариза кўтариб кириб қолди: «Партия учун шундай оғир пайтда унга сидқидилдан ёрдам бермасликни ўзим учун гуноҳ деб биламан... Мақсадим — партия сафида туриб адолат учун курашмоқликдир...». Биз умумий партия йиғилишида уни бир овоздан партия аъзолигига номзодликка қабул қилдик...

ЭРТАНГИ КУН ТАШВИШЛАРИ

Ҳа, районда фаол коммунистлар ҳам, фирқа аъзоси бўлиш истагини билдираётганлар ҳам кўп. Уларнинг куч-ғайрати, ташкилотчилик қобилиятини долзарб, муаммоли масалалар ечимига қаратиш район партия қўмитасининг диққат марказида турибди. Ҳозирги кунгача ноҳия ҳудудининг атиги 4 фоизигина газлаштирилганлиги, ўрмонлар кесилиб кетаётганлиги, ўнлаб дам олиш масканлари, пионер лагерларининг ҳамда шанба, якшанба кунлари дам олиш учун бу ерга ташриф буюрувчиларнинг атроф муҳитга келтираётган зарарига қарши кескин курашиш каби масалаларни тезда ҳал қилиш қийин, албатта. Бунинг учун юқори партия, Совет ташкилотлари, вазирликларга югуриш керак бўлади. Эндиликда ана шундай «югур-югур»ларнинг самараси сезилиб қолди. 20 километрга газ ўтказиш режалаштирилган бўлса, ҳозир уч километр ҳажмда иш бажарилди. Қолгани шу йил охиригача поёнига етказилади. Селга қарши қазилган ариқлар устига саккизта кўприк қурилди. Энди сел ёққудай бўлса, шу ариқлар орқали Чирчиқ дарёсига қўйилади. Коттеж типида 40 та шахсий уй қуриб битказилди. Хондайлиқ, Сойлиқ, Оқтош қишлоқларини ичимлик сув билан таъминлаш масаласи ҳадемай ҳал қилинади. Сув қувурлари ётқизиш учун 3 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланиши керак.

Район партия ва совет ташкилотлари олдида яна бир муаммо кўндаланг бўлиб турибди. У ҳам бўлса ноҳия ҳудудида дам олиш масканлари қуриб олиб, район бюджетига бир сўм ҳам ўтказмаётган ташкилотлар билан бир битимга келиш масаласидир. Айни пайтда эса 14 та ташкилот, идора, вазирлик йўлларни асфальтлаш, қозонхона, насосли қудуқлар ва бошқа маданий-маиший объектлар қуриб беришни ўз зиммаларига олдилар.

Кейинги пайтда турли жойларда миллатлараро муносабатлар анча чигаллашиб кетди. Вилоят ҳудудининг ўзидагина — Бўка, Паркентда қон тўкилди. Унинг асл сабаблари, илдизлари иқтисодий тангликка, ишсизликка, бошқа кўплаб ижтимоий масалаларга бориб тақалади. Шунингдек, мафкуравий ишнинг анча бўшаштириб юборилганлиги ҳам бу фожиаларга йўл очиб берди. Бўстонлиқ ноҳиясида 47 миллат вакиллари яшаб ишламоқда. Улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ҳамфикрлик, жипсликни қарор топтириш юзасидан муайян ишлар қилиняпти. Мактабларда дарслар ўзбек, қозоқ, тожик ва рус тилларида олиб борилмоқда. Район Қозоғистон ССРнинг Ленгар ва Тожикистон ССРнинг Матчоҳ ноҳиялари билан ҳамкорлик қилмоқда. Ўтган йили икки марта Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон оқинлари иштирокида қозоқ миллий «Айтишув»и бўлиб ўтди. Таниқли қозоқ ёзувчиси Калмахон Усмоновнинг 80 йиллиги кенг нишонланди. Октябрь—ноябрь ойларида СССР халқлари дўстлигига бағишланган байрам ўтказилди. Тожикистонлик театр усталари томошалар кўрсатишди. Қрим-татар кинематографчиларининг кинофестивали бўлиб ўтди. Район рўзномаси ўзбек ва қозоқ тилларида чоп этилмоқда.

Бироқ район партия ва ижроия қўмиталари, хўжаликлар олдида ечимини кутаётган муаммолар ҳали талайгина. Ўтган йил режасидан 360 тонна гўшт, 200 тонна сут кам етиштирилди. Район илгари узумчилик ва чорвачилиги билан танилган эди. Қани ҳозир ўша довруқ? Ваҳолонки, чорва туёғини ошириш, унинг маҳсулдорлигини кўпайтириш учун аввало озуқа базасини мустаҳкамлаш керак бўлади. Бу соҳада қачон жиддий ўзгариш ясалади? Ахир буларнинг ҳаммасига хўжаликлар, Совет ва деҳқончилик саноати ташкилотлари билан баб-баравар район партия қўмитаси, барча даражадаги коммунист раҳбарлар, партия ташкилотлари ҳам айбдор эмасми?

Эндиликда фақат бугунги кун ташвиши билан яшаш қатиқ панд бериши аён. Эртанги кунимизнинг ҳам долзарб масалалари бугун кўтарилиши ва ҳал қилина бориши даркор. Бундай хайрли ва айни чоғда масъулиятли ишда, аввало, партия ташкилотлари, барча даражадаги раҳбар ва оддий коммунистлар ташаббус кўрсатишлари, халқ турмуш шароитларини яхшилашга алоқадор ҳар қандай тадбирга бош-қош бўлишлари лозим. Зеро, давр тақозоси ҳам шундай.

А. МАННОПОВ,
О. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

● Сирдарё шаҳрида янги автовокзал йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади.

Ҳозирга қадар бу ерда — Мирзачўлнинг гавжум автотрассалари ўтадиган жойда фақат кассалар ва автобус тўхташи учун ёмон жиҳозланган майдонча бор эди, холос. Энди кенг ва ёруғ бино қурилди. Бу ерда барча зарур хизматлар ташкил этилган, йўловчилар ҳам, ҳайдовчилар ҳам дам олишлари учун имконият бор. Автобусга чиқиб тушиладиган майдончалар ҳам жиҳозланган. Автовокзални «Узавтострой» трестининг жамоаси бунёд этди. (ЎзТАГ).

• *Муштарий мактуби*

ХАВОТИРЛИК

Ҳозирги кунда аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш қишлоқ жойларда жиддий муаммо бўлиб турибди. Бизнинг «Ҳазорбоғ» давлат хўжалигида ҳам бу масалада қийинчилик содир бўляпти. Тўғри, совхоз маъмурияти қўшни Тожикистон жумҳуриятидан қувурлар келтириб, қишлоқларни водопроводлаштиришни бошлаб юборди. Айтишларича, 1991 йил охирига бориб барча қишлоқларимиз ичимлик сув билан таъминланаркан.

Лекин ишларнинг секин бораётганлигини кўриб, кўпчилик аҳоли ваъда сароблигича қолмасмикин, деган хавотирда. Очиғи, бунга асос бор. Мен 1985 йилдан буён сув тармоғида ишлайман. Бизда артезиан қудуқлари учун насос масаласи чатоқ. Ачинарлиси, ремонталаб насосларни ўзимизда таъмирлайдиган цех йўқ. 500 километр йўл босиб, Самарқанд вилоятидаги таъмирлаш корхонасида тузатиб келишга мажбурмиз. Кейинги пайтда у ердагилар ҳам «Сизнинг вилоятингиз учун насос ремонт қилиб беришга иложимиз йўқ» дейишмоқда.

Гапнинг рости насос ремонт қилиш цехи очиб беришларини сўраб, вилоят ижроқўмига бир неча бор қатнадик. У ердагилар «фалон жойда қуриб берамиз, хавотир олманг» дейишди. Бироқ мана бир йил бўляпти-ки, ҳанузгача цех ишга туширилган эмас. Бинобарин, цех ишга тушмас экан, хўжалик қишлоқларини сув билан таъминлаш муаммолиги ча қолаверади. Чунки биздаги 45-50 та артезиан қудуғининг ҳар бирига мос янги насос сотиб олишнинг ўзи бўлмайди. Аниқроғи, маблағ етишмайди.

Хуллас, сизларга мурожаат қилишимдан мақсад — жумҳурият Президентининг қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш ҳақидаги муборак Фармонини вилоятдаги мутасадди раҳбарларга яна бир бор эслатиб қўйсангиз. Зора, шундан кейин улар ҳаракатга тушиб, қоғозда битилган ваъдаларини амалга татбиқ қилишса.

Жуманазар ХУДОЙҚУЛОВ,
Сурхондарё вилоят Денов районидаги «Ҳазорбоғ» давлат хўжалиги.

АХБОРОТ

«ИНТИЗОР ОНА ВА БОЛА»

● Большевик ноҳиясидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» давлат хўжалигининг Қароқчи тепалигида ўрнатилган ёдгорликка ана шундай ном берилди.

Қизиғи шундаки, бу хайрли ишни вилоят комсомол қўмитаси қошидаги ёшлар илмий-ишлаб чиқариш маркази аъзолари амалга оширишди. Самарқанд меъморчилик қурилиш илмгоҳи доценти Аҳтам Бекмуҳаммедов турмуш ўртоғи Зулфия ҳамда қизлари, шу илмгоҳ талабалари Лола ва Гулчеҳра билан ҳамкорликда асарга муаллифлик қилишди, меъморчилик юмушларини ҳам уларнинг ўзлари қоғозга туширишди.

Ёдгорлик ёнидаги лавҳаларда қишлоқдан Ватан ҳимоясига отланиб, жангда шаҳид кетган 66 қаҳрамоннинг исми шарифлари қайд этилган.

МАКАРОН ВА ШИРАВОРЛАР

● Самарқанд нон комбинатининг макарон ишлаб чиқариш цехи хусусий дўконга эга бўлди. Бу иш цех бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган озиқ-овқат саноати ходими Ҳайдар ака Ҳамроқулов ташаббуси билан амалга оширилди.

Дўконни қисқа вақт ичида цех ишчиларининг ўзлари қуришди. Корхона биқинидаги бу бино эрталабдан кечгача харидорлар билан гавжум.

Режадан ташқари ишлаб чиқарилаётган 10 хилдаги 60 тонна макарон маҳсулотлари янги дўкон орқали аҳолига сотилади. Бундан ташқари ҳар ойда пештахтага 100 тонна ширавор, яъни новвот, қандолат, печенье, торт, музқаймоқ чиқарилади. Туғилган кунларни нишонлаш ва бошқа маъракалар учун буюртма тортларга қабул бор.

Ф. ТОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Бувайда районидаги матлубот жамияти уюшмаси қошида ғишт заводи қурилиб, ишга туширилди. Ҳозир бу ерда кунига 10 минг дона пишиқ ва 20 минг дона хом ғишт тайёрланиб, махсус дўкон орқали сотилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Лой-бетон қоришмалари цехида. 2. Ғишт заводи устаси Н. Исроилов. бригада бошлиғи Р. Мамадалиев ва район матлубот жамияти уюшмаси бошқаруви раиси В. Насимовлар.

Суратчи Т. ҲАМРОҚУЛОВ.

ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧ

● 1991 йил 24 май куни Ново-Огаревода СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида Тайёргарлик комитетининг мажлиси бўлди. Комитет СССР халқ депутатлари IV съезднинг қарорига мувофиқ янги Иттифоқ шартномаси лойиҳасини тайёрлаш ва шартнома тузиш тартибини аниқлаш учун ташкил этилган.

Шу йил 17 март куни ўтказилган референдум якунларига кўра, мамлакат халқлари Иттифоқ давлатимизни сақлаб қолиш ва янгилашни қатъий ёқлаганликлари мажлисда таъкидлаб ўтилди.

Жумҳуриятларнинг матбуотда эълон қилинган шартнома лойиҳасига доир мулоҳазалари хусусида ҳар томонлама амалий фикрлашиб олинди.

Мажлис қатнашчилари Иттифоқни тенг ҳуқуқли жумҳуриятлар Федерацияси тарзида қуришнинг қоидаларини якдиллик билан маъқулладилар. Иттифоқни тузувчи суверен давлатлар вакилларининг шартномани имзолаш тартиби, Иттифоқ идораларининг тузилиши ва ваколатлари тўғрисидаги масалалар ҳар томонлама муҳокама қилинди. Иттифоқ идораларини тузишда ва уларнинг фаолият кўрсатишида барча жумҳуриятларнинг иштирок этишини таъминлашга алоҳида эътибор берилди.

Шартноманинг келишилган лойиҳасини шу йилнинг июнида жумҳуриятларнинг Олий Кенгашлари маъқуллаши учун тақдим этишни кўзда тутиб, Тайёргарлик комитетининг доимий ишлаши тўғрисида қарор қилинди.

Мажлисда СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов, СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгашининг Раиси Р. Н. Нишонов, РСФСР Олий Кенгашининг Раиси Б. Н. Ельцин, Украина ССР Олий Кенгашининг Раиси Л. М. Кравчук, Белоруссия ССР Олий Кенгашининг Раиси Н. И. Дементей, Қозоғистон ССР Президенти Н. А. Назарбоев, Озарбайжон Жумҳуриятининг Президенти А. Н. Муталибов, Қирғизистон Жумҳуриятининг Президенти А. А. Акаев, Тожикистон ССР Президенти Қ. М. Маҳкамов, Туркманистон ССР Президенти С. А. Ниёзов, Бошқирдистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. Г. Раҳимов, Бурятия ССР Олий Кенгашининг Раиси С. Н. Булдаев, Доғистон Жумҳуриятининг Олий Кенгашининг Раиси М. М. Магомедов, Кабарда-Балқария ССР Олий Кенгашининг Раиси В. М. Коков, Қалмиқ ССР Олий Кенгашининг Раиси В. М. Басанов, Карелея ССР Олий Кенгашининг Раиси В. Н. Степанов, Коми ССР Олий Кенгашининг Раиси Ю. А. Спиридонов, Мари ССР Олий Кенгашининг Раиси В. М. Зотин, Мордва ССР Олий Кенгашининг Раиси Н. В. Бирюков, Шимолий Осетия ССР Олий Кенгашининг Раиси А. Х. Галазов, Татаристон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. Ш. Шаймиев, Тува ССР Олий Кенгашининг Раиси Ч.-Д. Б. Ондар, Чечен-Ингушия Жумҳуриятининг Олий Кенгашининг Раиси Д. Г. Завгаев, Чувашия ССР Олий Кенгашининг Раиси А. М. Леонтьев, Ёқут-Саха ССР Олий Кенгашининг Раиси М. Е. Николаев, Қрим МССР Олий Кенгашининг Раиси Н. В. Багров, Қорақалпоғистон Жумҳурияти Олий Кенгашининг Раиси Д. Н. Шамшетов, Абхазия ССР Олий Кенгашининг Раиси В. Г. Ардзинба қатнашдилар.

Мажлис танаффуссиз деярли саккиз соат давом этди. Кечқурун соат ўн яримга яқинлашгандагина ахборот олишни кутаётган журналистлар СССР Президентининг ғоят тиғиз иш жадвалидан бир неча минут вақт топишга муваффақ бўлдилар. М. С. Горбачев уларнинг саволларига жавоб қайтариб, Иттифоқни ўзгартиришнинг бу муҳим йўналишидаги ишларнинг яқунловчи босқичи бошланганлигини айтди. Муҳокама батафсил бўлди. Иш билимдонлик ва катта масъулият билан олиб борилмоқда. Мен буни амалий иш деб таърифлаган бўлардим, деди СССР Президенти. Бир хил тушунчани ишлаб чиқиш зарур бўлган ва пировард натижада Иттифоқ шартномасининг узил-кесил вариантини тайёрлаш қанчалик тез боришини ҳал қиладиган масалалар диққат марказида турди

Гап ҳужжатнинг номи ҳақида борди. Бу соҳада ҳаммаси енгилдек туюлади, бироқ бу мавзу умуман жамиятда, республикаларнинг вакиллари — Комитет аъзолари орасида мунозара қилинмоқда. Иккинчи мавзу — янгиланган Федерациянинг, ислоҳ қилинган Иттифоқ давлатимизнинг номи тўғрисидадир, сўнгра янгиланган Иттифоқнинг хусусиятларини, жумҳуриятлар мустақиллашуви ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олиб, Иттифоқ олий ҳокимияти идораларининг ваколатларини фарқлаб қўйиш ва уларнинг тузилиши билан боғлиқ масалалар ҳақида гап борди.

Шуни айтишим керакки, деб давом этди М. С. Горбачев, бугун биз кўп нарса тўғрисида келишиб олдик, бошқа масалалар юзасидан ишни давом эттирамиз. Тайёргарлик комитети энди доимий ишлайди. Бу иш натижасида янги Иттифоқ шартномасининг келишилган лойиҳасини жумҳуриятларнинг Олий Кенгашлари маъқуллашлари учун июнь ойидаёқ уларга топшириш кўзда тутилмоқда.

— Демак йўл равшан бўлиб қолибди-да? — деб сўради Президентдан журналистлардан бири.

— Менимча референдумдан кейиноқ йўл равшан бўлиб қолганди. Асосий ҳал қилувчи куч — совет халқи Иттифоқни кўп миллатли давлатимизда юз бераётган жараёнлар асосида янгиланган Федерация сифатида сақлаб қолиш учун овоз берган. Бу ерда, деб давом этди М. С. Горбачев, қуйидаги фикр таъкидланди: биз янги Федерация, федератив қоидаларга асосланган янги Иттифоқ давлати тарафдоримиз. Бинобарин, бундай ёндашув, бу қоидалар шартноманинг барча бўлимларига асос бўлиши лозим.

Б. ГРИШЧЕНКО,
ТАСС шарҳловчиси.

Малайзия парламенти делегацияси Ўзбекистон турмуши билан танишмоқда. Делегацияга вакиллар палатасининг спикери Муҳаммад Зоҳир Исмоил раҳбар бўлиб келган.

25 май куни делегация аъзоларини Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров қабул қилди. У республика Олий Кенгашининг тузилиши ва фаолияти тўғрисида гапириб берди, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик масалалари тўғрисида суҳбатлашилди. Ҳар икки томон парламентлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш истагини билдирди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, республика ташқи ишлар вазири С. О. Азимов, Ўзбекистон Конституциявий назорат комитетининг раиси Ш. З. Ўразаев, жумҳуриятнинг Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов иштирок этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Меҳмонлар Самарқандга сафар қилишди, Самарқанд районидаги Энгельс номли жамоа хўжалигига ташриф буюришди, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечиришди. Улар Бухорога ҳам боришди.

Малайзиялик меҳмонларнинг Ўзбекистонда бўлишлари дастурига кўра, улар республика билан кенг танишадилар.

(ЎзТАГ).

ТОВАР БИРЖАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Бозор муносабатларига ўтишни янги, самарали хўжалик тузилмаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу сабабли жумҳуриятнинг бир қанча ташкилотлари — Давлат—кооператив таъминоти, Давлат ташқи савдо алоқалари комитети, Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлиги, Маҳаллий саноат вазирлиги, Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги, Савдо вазирлиги, шунингдек Тошкент шаҳар ижроия комитети, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Енгил саноатни таъминлаш ва сотиш бош бошқармаси ва Ўзбекбирлашув универсал товар биржасининг муассислари бўлдилар. Биржа Ўзбекбирлашув биносида жойлашган.

Ўзбекистон корхоналари ва ташкилотларининг Иттифоқдаги ва чет эллардаги шериклар билан бевосита алоқаларини йўлга қўйиш, истеъмол бозорини халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш, хорижий сармояни Ўзбекистон ССРга фаол жалб этиш, жумҳуриятнинг жаҳон иқтисодий хўжалигига қўшилиши, халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиши учун қулай шароит яратиш жумҳуриятнинг асосий вазифаларидир.

Товар биржаси бозор иқтисодиёти шароитида халқ хўжалиги ёрдамчи тармоқларини барпо этишда иштирок этиши керак, унинг ходимлари қўшма ва кичик корхоналарни ташкил этиш билан шуғулланадилар, ресурсларни тежайдиган илғор технологияларни жорий этадилар. Ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам чет элларда кенг миқёсли товар айирбош қилиш операцияларини амалга ошириш биржанинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Биржа мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотларга хизмат қилишини айтиб ўтиш керак. Совет ва чет эллик шериклар, саноат, транспорт корхоналари, жамоа ва давлат хўжаликлари, қўшма ва кичик корхоналар, кооперативлар, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, биржа иштирокчилари бўлиши мумкин. Дастлабки савдони июннинг бошларида ўтказиш мўлжалланмоқда. Унда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, бинокорлик ва ёнилги-мойлаш материаллари савдога чиқарилади.

(ЎзТАГ мухбири).

МЕДАЛГА ДАЪВОГАР УЧУН ИМТИҲОН

● Бу йил Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги мактабларнинг медаль олишга даъвогар битирувчилари учун имтиҳонларда янгиликлар жорий этиб, шу саволга жавоб берди. Бундан буён ўқувчилар иккита энг қийин фан — адабиёт ва алгебрадан ёзма имтиҳонларни район халқ таълими бўлимининг комиссиясига топширадилар. Битирувчининг иши аъло баҳога муносиб ёки муносиб эмаслигини фақат мактаб ўқитувчилари эмас, айни район ва вилоят халқ таълими идораларининг мутахассислари объектив баҳолашлари керак бўлади. Кумуш медаль бериш қоидалари ҳам қийинлаштирилди.

(ЎзТАГ мухбири).

ОИЛА ВА НИКОҲ — МУҚАДДАС

Қайта қуриш, ошкоралик ва янги тафаккур сиёсати маҳсулидан баҳраманд бўлган жумҳуриятимиз 1990 йил 20 июнда ўзининг мустақиллик Декларацияси ни қабул қилди ва умумхалқ муҳокамаси асосида халқчил ҳуқуқий давлат тузишга қарор қилганлигини эътироф этди.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон ССРнинг амалдаги Асосий Қонуни, шу жумладан, никоҳ ва оила қонунлари ҳам Иттифоқ қонунларининг айнан ўзи. Ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан фарқ қилмайди. Кейинги йилларда жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида гоят катта аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар қабул қилинди. Улар айрим масалалар бўйича 1978 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституциясининг қоидаларига зид бўлиб қолди. Ўзбекистоннинг янги Конституцияси (Асосий Қонуни)ни ишлаб чиқиш эҳтиёжи туғилди.

Қабул қилинажак янги Асосий қонунимиз мамлакат ҳаётининг ҳамма соҳаларида қонуннинг устунлигини таъминлашга қаратилган Қомус сифатида юзага келиши керак. Унда биринчи навбатда, инсон қадр-қимматини эъзозлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, халқлар ўртасида дўстликни таннум этиш, жумҳуриятимиз ва халқимизга хос анъаналар ўз аксини топадиган бўлиши керак. Янги Конституцияда жамиятнинг бошланғич куртаги бўлган оила ва унинг негизини ташкил этган никоҳ алоҳида ўрин тутиши лозим.

Никоҳ-оила муносабатлари бошқа ижтимоий муносабатлар каби ўзининг шаклланиши, ривожланиши ва намоён бўлишида ўзи пайдо бўлган жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилмасига тамомила боғлиқдир. Бунда эр-хотин муносабатлари марказий ўринни эгаллайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, оилавий муносабатларнинг барчасини ҳуқуқий қоидалар тўла ифода этолмайди ва бунинг иложи ҳам йўқ. Севги, дўстлик ва ўзаро ҳурмат каби оилавий алоқалар ҳуқуқ қоидалари билан тартибга солинмайди. Демак, эр билан хотин ўртасидаги муносабатларнинг барча томонлари ҳуқуқ қоидалари билан ҳал қилиниши мумкин эмас. Асосий Қонунни қўлланиш ҳамда давлат йўли билан мажбур этиш чоралари ёрдамида кутилган натижага эришиш мумкин бўлган муносабатлар ҳуқуқ қоидалари билан тартибга солиниши лозим.

Ўзбекистон жумҳуриятининг мустақиллик Декларацияси асосида ишлаб чиқилаётган янги Конституцияда, албатта, халқимизнинг миллий анъаналар билан боғлиқ ўзига хос турмуш тарзи акс эттирилган оилавий муносабатлар ифодаси махсус бир бобдан ўрин олиши ва бу келажакда Никоҳ ва оила кодексини қабул қилишда асосий манба бўлиб хизмат қилиши керак.

Бизнинг бобокалонларимиз оилани муқаддас, деб билганлар, никоҳни эса бузилмас, деб билганлар. Миллий хусусиятларимиз енгилтаклик билан оила қуришга йўл қўймайди. Эски анъаналар ҳали анча сақланиб қолган вилоят ва ноҳияларда никоҳдан ажралиш унча кўп учрамайди.

Давлат ва жамият, унинг маданияти ва иқтисодиёти, ахлоқ ва ҳуқуқ қоидалари мавжуд воситалар билан оилани қўриқлайди, оила тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Шундай қилиб, янги Конституциямизда, энг аввало, **оила — жамиятнинг бошланғич куртаги, Ўзбекистонда оиланинг муқаддаслиги ҳамда давлат ва жамиятнинг унга ғамхўрлиги ва уни ҳимоя қилиши ифодаланиши лозим.**

Оиланинг негизини никоҳ ташкил қилади. Никоҳланишда аёл билан эркакнинг ҳоҳиши, розилиги эркин изҳор этилишини тақозо этади. Ўзбекистон ССЖнинг амалдаги қонунлари никоҳланиш учинчи бир шахс, жумладан, ота-оналарнинг ҳам розилиги билан бирор даражада боғлиқ бўлишини рад этади. Ваҳолонки, никоҳ фақат никоҳланувчиларнинг хусусий, шахсий иши деб ҳисобланмайди. Эр билан хотин муносабатлари замирида ҳамма вақт ижтимоий манфаат ётади. Никоҳ оиланинг негизи сифатида унинг энг асосий вазифаларидан бири авлодни давом эттириш, яъни фарзанд ўстиришдан иборат. Бас шундай экан, никоҳ тузиш ихтиёрини бутунлай, ота-оналарнинг маслаҳатисиз, ёшларнинг ўзларига қолдириш хато бўлмасмикин? Ҳаётимизда учраб турган ва йилдан-йилга кўпайиб бораётган никоҳдан ажралишларнинг асосий сабаблари ҳам мана шунда эмасми?

Биз никоҳдан ажралишни эмас, балки никоҳга киришни кўпроқ давлат назорати остига олсак кутилган натижа чиқмасмикин? Ҳеч кимга сир эмас, ўзбек оилаларида ҳам, бошқа динга мансуб оилаларда ҳам, ёшлар никоҳи ЗАГС идорасида қайд қилинганидан сўнг, албатта, эски тартибда никоҳланиш ҳамон давом этиб келяпти. Бу анъанага айланган. Шуни қайд қилиб, эътироф этиш керакки, эскича никоҳланиш жараёнининг тантанали ўтказилиши ёшлар ҳаётида унутилмас из қолдиради, унинг тарбиявий таъсири оилага нисбатан садоқат, доимий ҳурмат ва мажбуриятни эслатиб туради.

Асосий Қонунимизнинг иккинчи моддасида: **никоҳ — оиланинг негизи, асосийлиги, у аёл ва эркак ўртасида эркин изҳор этилган розилик билан ихтиёрий тартибда тузилган умрбод иттифоқ эканлиги ва оилавий муносабатларда уларнинг ҳуқуқлардан баббаравар фойдаланиши ва тенг бурчларни адо этиши** алоҳида қайд қилиниши керак.

Ҳамма қонунларимиз сингари никоҳ ва оила қонунларимиз ҳам байналмилал руҳ билан суғорилган, оилавий муносабатларни моддий манфаат кўзлашдан мусаффо қилиб, никоҳланишда иқтисодий ёки бошқа ғаразли мақсад бўлмаслигини эътироф этади. Ҳар қандай **никоҳ ёшига етган Ўзбекистон фуқароси миллий, ирқий, диний мансублиги, насл-насаби, ижтимоий ва иқтисодий мавқеи, машғулот тури ва характери, яшаш жойидан қатъи назар, ўз ихтиёри билан хоҳлаган бошқа давлат фуқароси билан ҳам никоҳга киришиши ва оила қуриш ҳуқуқига эга эканлиги** асосий қонунимизда алоҳида кўрсатилиб ўтилиши керак.

Оиланинг асосий вазифаларидан бири ёш авлодни тарбиялашдир. Жамиятимизда меҳр-туйғулари билан ўзаро боғланиш, ота-оналар билан болаларнинг ҳамдамлиги юксак қадрланади. Қон-қариндошлик ҳиссини, ота-оналик ва фарзандлик бурчи туйғуларини тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Шу билан бирга **Ўзбекистонда оналик ва болалик алоҳида ҳурматга сазовор.** Давлат оилани мустаҳкамлашга, кўп болали оилаларга ёрдамга гоят катта маблағ ажратмоқда, болаларни тарбиялашда ота-оналарга ҳар томонлама ёрдам бермоқда, ижтимоий тарбия оилавий тарбия билан қўшиб олиб борилмоқда. Болалар билан ота-оналар, қариндошлар, оила ўртасидаги боғланишни мустаҳкамлаш, навқирон авлодни тарбиялашда оиланинг ролига оид қоидаларнинг асослари Конституциямизда ўз ифодасини топиши лозим.

Ота-оналар, болалар ва қариндошлар (бобо, буви, невара, ака-ука, опа-сингил, шунингдек, ўгай ота, ўгай она, ўгай ўғил, ўгай қиз) ўзаро бир-бирлари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Кейинги йилларда меҳр-оқибат йўқолиб бораётгани ёшлар тарбиясига салбий таъсир этишини эътиборга олиб, Асосий Қонунимизда: **ота-оналар ўз болаларини вояга етгунча ҳам маънавий, ҳам моддий таъминлаш, уларни умумбашарий ва миллий қадриятларни эъзозловчи, инсоний фазилатли, адолатпарвар, меҳр-мурувватли, виждонли ва диёнатли қилиб тарбиялаш мажбуриятн** алоҳида қайд қилиб ўтилиши лозим

Шу билан бирга **меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-оналар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ва маънавий мадад бериб туриш ҳар бир вояга етган фарзанднинг муқаддас бурчи** эканлиги ҳам эътироф этилиши керак.

Навбатдаги масала — эр ва хотиннинг мулкка нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларидир. Ўзбек оилаларида мавжуд анъаналарга кўра, никоҳ тўйи муносабати билан ҳар икки томон ота-оналари, яқин қариндошлари томонидан янги тузилган оилага уй-жой жиҳозлари, рўзғор анжомлари, кийим-кечак, зебу-зийнат ва ҳашамат ашёлари берилади. Бу ёшларга берилган тўй совғаси. Бундан ташқари эр-хотин бирга яшаш даврида бир-бирларига совға берадилар. Ажралиш ишларини кўриш суд жараёнида шундай муаммолар келиб чиқадики, уни ҳал қилишда аниқ бир ҳуқуқий қоида мавжуд бўлишини талаб этади. Бу, албатта, Конституцияда ўз ифодасини топиши зарур.

Бизнинг ушбу фикр ва мулоҳазаларимиз ўзгармас ва мутлақ бўлмасдан, албатта, бошқалар томонидан тўлдирилиши, рад этилиши ва янги фикрлар билан бойитилиши мумкин. Янги Конституциямизда никоҳ ва оилага тегишли ҳуқуқ қоидалари тўлақонли бўлиши учун ҳар бир киши ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Рустам МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССЖ Прокуратурасининг бўлим бошлиғи, ЎзССЖда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлари номзоди.

Файзулло ҚИЛИЧЕВ,
Ўзбекистон ССЖ Прокуратурасининг бўлим бошлиғи, катта адлия маслаҳатчиси.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИГА

Наманган индустриал техникуми талабалари муаллим Олимжон Бурхоновнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. У 27 йилдирки, шу билим даргоҳида ишлайди. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек олижаноб ишга ўз ҳиссасини қўшиб келаётир.

Суратда: О. Бурхонов талабалар даврасида.

П. АКБАРОВ олган сурат.

ЭҲМ — ишончли ёрдамчи

● Тошкент тўқимачилик комбинатида бутун «Қоғоз бухгалтерияси»ни компьютерлар зиммасига юклашга қарор қилишди.

Эскириб қолган электрон-ҳисоблаш машиналари ўрнини анча кўпроқ операцияни бажарадиган замонавий техника эгаллади. Чунончи, янги система барча жиҳатларни — қўшимча тўланадиган ҳақлар ва ушлаб қолинадиган пулларни ҳисобга олиб, иш ҳақи ёзишни, омборлардаги тайёр маҳсулот ҳаракатини ҳисоблашни ва ҳатто юк ортиш билан боғлиқ фармойишлар тайёрлашни бемалол «топшириш» мумкин.

Автоматлаштирилган бошқарув системаси бўлими фабрикалар директорларининг ва комбинат раҳбарларининг хоналарида ишлаб чиқаришнинг боришини назорат қилиш учун мўлжалланган компьютерлар ўрнатиш масалаларини ишлаб чиқмоқда.

«Ақлли» машиналар керак бўлган заҳоти қарздор истеъмолчилар тўғрисидаги барча маълумотларни беради ва айни пайтда ҳақ тўлаш талаб қилинган мактубларни тайёрлаб беради.

(ЎзТАГ).

• Диққат: янгилик

Жамиятни иқтисодий, сиёсий ва маънавий тангликдан олиб чиқиш учун, биринчи галда, ёшлар тарбиясига эътибор берилмоғи, етарли миқдордаги маблағ билан таъминланган, энг замонавий ўқув лабораторияларига эга бўлган олий ўқув юртлари халқ хўжалиги учун ўз касбини жон-дилдан севувчи, ижодий изланувчан, фидойи, келажак учун жонкуяр ёшларни тарбияламоғи лозим. Бунинг учун олий мактабда бир неча йилдан бери анъана бўлиб қолган қатор масалаларга бугунги ҳаёт талабига мувофиқ янгича ёндашиш лозим бўлади.

Биринчидан, олий ўқув юртларига қабул усулини тубдан ўзгартириш керак. Чунки шу вақтгача амалда бўлган усул аллақачон ўзини оқламай қўйгани ҳеч кимга сир эмас. Билимгоҳга киришнинг тақдирини у ёки бу предметдан битта билетдаги икки ёки уч саволни билиш-билмаслиги ҳал қилаётганлиги натижасида айрим қобилиятли ёшлар биргина «омадсиз» билет орқасида институтдан бир умр хайрлашаётганлиги ва ундан сўнг яна институтга кириш учун ўз тақдирини синаб кўришга юраги дов бермаётганлиги қўпчиликка маълум. Аксинча, ўрта мактабда анчайин кучсиз ўқиган ёшларнинг кимларнингдир кўмаги остида ёки шунчаки «омадли» билет тушиб имтиҳонларисиз мактаблар билан ҳамкорликда янги усуллар билан ўтказишни режалаштирмоқда.

Шу туфайли ҳам билимгоҳнинг ҳар қайси факультети шаҳар ва ноҳия мактабларида мактаб ўқитувчилари билан ҳамкорликда февраль-март ойларида биринчи босқич синовларини ўтказди. Бу синовдан «аъло» баҳо билан ўтганлар, агар битириш имтиҳони якунига кўра медаль олишга муваффақ бўлсалар, билимгоҳга суҳбатсиз қабул қилинадилар. Бордию, медаль олишга эриша олмаса, у вақтда мактабда билимгоҳ ўқитувчилари иштирокида ўтказилган имтиҳон баҳоси (агар бу баҳо «аъло» бўлса) биринчи кириш имтиҳони баҳоси ҳисобланади.

ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

қолиши оқибатида тасодифан олий ўқув юртларига кириб қолаётганлигини ҳам яшириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам олий ўқув юртларига қабул юзасидан кишилар ўртасида ҳақли равишда турли норозиликлар, ҳар хил «мишмишлар» тарқалмоқда.

Аёнки, олий мактабда туб бурилишнинг асосий мезонидан бири қабулни ҳалол ва самарали ўтказишдир. Бу эса қабул ўтказиш соҳасида жиддий ўзгаришларни амалга оширишни талаб қилади. Ўтган йили жумҳурият Халқ таълими вазирлиги бу соҳада бир қатор ижобий ишларни амалга оширди. Хусусан, ўрта мактабни олтин ва кумуш медаль билан битирганларга олий ўқув юртларига имтиҳонсиз киришга ижозат берилди.

Шунингдек, предметлар бўйича вилоят ва жумҳурият миқёсида ўтказилган ўқувчилар олимпиадаларида совринли ўринни эгаллаган ёшларнинг жумҳуриятимиз олий ўқув юртидаги шу предметлардан ихтисос берадиган факультетларга имтиҳонсиз қабул қилиниши ҳам қабул сифатини оширишга, қобилиятли ёшларни саралаб олишга қулай имконият яратди.

Андижон Давлат педагогика институти ўтган ўқув йилида жумҳурият Халқ таълими вазирлиги кўтарган ташаббусни тўла маъқуллаган ва уни оғишмай амалга оширган ҳолда яна бир қатор қўшимча тадбирларни синаб кўрди.

Хусусан, математика факультети ўқитувчилари 1990 йил апрель ойида вилоятнинг барча шаҳар ва ноҳияларида ўнинчи синф ўқувчилари орасида математикадан олимпиада ўтказдилар. Олимпиадада юқори кўрсаткичга эришган ўқувчилар факультетга таклиф этилди ва оғзаки суҳбатдан ўтказилди. Суҳбатдан муваффақиятли ўтганлар эса кириш имтиҳонисиз, мактабни битириш имтиҳони баҳоси асосида талабаликка қабул қилинди.

Қишки сессия натижалари ташаббуснинг жуда катта ижобий самара берганини кўрсатди. Шу йўл билан қабул қилинган талабаларнинг ўзлаштириши юз фоиз бўлса, уларнинг билим сифати 95 фоизни ташкил этди. Айниқса, факультет ўқитувчилари томонидан предмет олимпиадалари орқали саралланган, вилоят ва жумҳурият олимпиадалари совриндорлари сифатида талабаликка қабул қилинган ёшлар қишки сессияни деярли аъло баҳолар билан якунладилар. Шунинг учун билимгоҳ маъмурияти, математика факультети ташаббусини бундан кейин бошқа факультетларга ҳам ёйиш, икки-уч йил ичида талабаликка қабулни тўла равишда кириш имтиҳонлари асосида ўтказиш масаласини ҳал қилиш ва бу ишда ҳамма имкониятлардан фойдаланиш лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, олий ўқув юртларида ўрта мактабни олтин ва кумуш медаль билан битирган ўқувчиларга имтиёз берилаётганидан фойдаланиб қолиш учун айрим мактаблар мутлақо нолойиқ ўқувчиларга ҳам медаль инъом этиб юбормоқдалар. Натижада ўтган йили биргина Андижон вилоятининг ўзида бир ярим мингдан ортиқ ўқувчи олтин ва кумуш медаль олишга муваффақ бўлди. Агар шунча миқдордаги ўқувчи чинакамига шундай ёрлиққа сазовор бўлганда эди, нур устига нур бўлур эди. Афсуски, уларнинг эллик фоизи ҳам медаль олдига қўйилган энг оддий талабларга жавоб беролмаслиги маълум бўлмоқда. Бу билан биз фақат ўзимизнигина эмас, балки келажагимизни ҳам алдаяпмиз.

Шунинг учун ҳам ўрта мактабларда медалга номзодлар мактаб жамоаси, айниқса, шу синф ўқувчилари мажлисида ошкоралик руҳида адолатли танланмоғи лозим. Номзодлар танлаб олингандан сўнг то медаль бергунгача бўлган барча синов босқичлари тамоман ислоҳ қилиниши, мумкин қадар адолат мезонини ушлаб қолишга, таниш-билишликка, югуриб-елишларга чек қўйиш даркор.

Билимгоҳга қабул қилишни сифатли ўтказиш масаласининг бир томони. Масаланинг яна бир жиддийроқ томони — янги қабул қилинган, келажакка катта умид ва иштиёқ билан кириб келаётган ёшларнинг умид учқунларини алангага айлантиришда, уларга фан чўққиларини эгаллашда қандай ёрдам қўлимизни чўзишимиздадир. Олий таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари ўқитишнинг янги-янги шакл ва услубларидан фойдаланишга даъват этмоқдалар. Бу ишларни амалга оширишда эса олий ўқув юртларига мустақиллик бермоқдалар.

Институт профессор — ўқитувчиларининг талабалар билан бевосита мулоқоти таълим-тарбия узвийлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Талабаларни биринчи курсдан бошлаб илмий ишга жалб қилиш, уларни устозлар назоратида илмий лабораторияларда ишлашга даъват этиш катта самара беради.

Жамият тақдири, унинг истиқболи омилкор, билимдон ҳар жиҳатдан баркамол мутахассис кадрлар билан боғлиқ экан, биринчи галда олий мактабда туб бурилишлар ясаш лозим.

А. ҚОСИМОВ,
Андижон давлат педагогика билимгоҳи ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор.

ДЕҲҚОН ТАБИАТ СИНОВИДА

• Долзарб мавзуда суҳбат

Кетма-кет ёғиб турган ёмғир, дўл ва сел оқибатида жумҳуриятимизнинг йирик экин майдонларига, одамларнинг шахсий томорқа хўжаликларига катта зарар етди. Табиатнинг бу бебошлиги деҳқонлар, боғбонлар ва сўҳбиқорларнинг ташвишини оширди. Минглаб гектар ердаги экинлар яксон бўлди. Анчагина майдонга ғўза, маккажўхори, сабзавот ва полиз экинлари ўрнига қайтадан уруғ, кўчат экишга тўғри келяпти. Омон қолган ниҳолларга эса ёғингарчиликдан сўнг кўпгина ҳашоратлар «ҳужум» қилиши, боғ-роғларда дарахтларга ва токларга шира тушиб, ҳосилдорликни пасайтириб юбориши мумкин. Асосий экинимиз пахтани зараркунандалардан сақлаб қолиш масаласи муаммо бўлиб турибди. Хўш, шундай долзарб паллада нима қилиш керак ва нималарга эътибор бериш зарур? Бу ҳақда ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг ўсимликларни ҳимоя қилиш илмгоҳи директори ВАСХНИЛ мухбир аъзоси С. АЛИМУҲАМЕДОВ махсус мухбиримиз Ш. МИРҲАБИБОВга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

— Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, табиий офатдан деҳқону-боғбонларимиз тушкунликка тушганлари йўқ. Ҳамма жойда табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун тузилган махсус штаблар ишлаб турибди. Деҳқонларимиз эса кўп йиллик тажрибаларини ишга солаётирлар.

Шуниси диққатга сазоворки, бу йилги кўкламнинг табиий иқлим шароитлари чигит экиб, уни ундириб олиш учун қулай келди. Ғўзалар ҳам яхши ривожланаётганди. Энди эса табиий офат туфайли турли касалликлар авж олиши мумкин. Айниқса, гоммоз, илдиз чириш ва оқпалак касалликлари хуружининг олдини олиш зарур. Бундай касалликлар дала атрофидаги бегона ўтларда тез ривожланиб, ғўза ва бошқа экинларга зарар келтириши хавфи туғилмоқда. Ғўза баргини шира қоплаши оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шундай мураккаб шароитда мутахассис энтомологлар, кузатувчи ва бригадирлар ҳар бир пайкални кўздан кечириб, экинларнинг касалланиш даражасини аниқлашлари ва ҳар бир даланинг аҳволига қараб касалликка қарши кураш чораларини излашлари керак.

Маълумки, ёмғир томчилари фақат касаллик туғдириб қолмай, унинг ривожланишини авж олдиради. Шунинг оқибатида гоммоз касаллиги юзага келади. Бу касалликка қарши курашиш учун аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу борада ташкилотчилик ва агротехник тадбирларга тўла амал қилиш талаб этилади. Ниҳоллар омон қолган майдонларда тезкорлик билан чопиқ ўтказиш муҳимдир. Касалланган ўсимликни эса асло эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Уни дала ташқарисига олиб чиқиб кўмиб юбориш керак. Ёмғир натижасида фузариоз вилти ривожланиши учун бирмунча қулай шароит юзага келди. Бу касаллик ниҳол кўсаклай бошлагунча давом этиши, натижада ҳосилдорлик пасайиб, зарар миқдори 50 фоиздан ошиши мумкин.

Шу кунларда бир далада ги зарарли ҳашорат иккинчи далада ҳам учрамоқда. Шунинг учун ҳар бир хўжаликда кузатувчилар, энтомологлар дала атрофидаги бегона ўтларда ва ғўза тупларида учрайдиган ширанинг озмиқўплигини аниқлашлари зарур. Унинг кушандаси бўлмиш хон қизи (личинкаси, ғумбаги ёки қўғизи) далада қанча эканлигини ҳисобга олишлари зарур. Бинобарин, фойдали ҳашаротларни кўпайтириш муҳимдир. Биздаги маълумотларга қараганда, қаттиқ сел натижасида ширанинг кушандаси бўлмиш фойдали ҳашоратларнинг анчагина қисми нобуд бўлди. Шунинг учун ҳам шира ва бошқа зараркунандаларга қарши биологик усул қўлланилаётган пайтда ана шу нарса ҳисобга олиниши керак. Агар кузатилган майдонда ҳар бир хон қизи ёки олтин кўз личинкасига ўн-ўн бештагача шира тўғри келса, бу ҳолда кимёвий препаратлар қўлланилиши шарт эмас, чунки ширага қарши химиявий препарат қўллайман, деб атроф-муҳитга зарар келтириб қўйиш мумкин.

Албатта, дала доимий назорат остида бўлиши керак. Агар зараркунандалар сони ортиб кетса, ширага қарши қуйидаги дориларни ишлатиш талаб этилади. Ҳар гектар майдонга 1,5 — 2 килограмм фазолон, 0,5 литр сумицидин, 1 литр данитол, 1 литр нурелл-Д, 1 литр карбофос 200 литрли сувга аралаштириб ишлатилади. Шонага кирган ғўза майдонларига эса кўсак қурти ва ширага қарши микробиологик препаратлардан бири — битоксибациллин бир гектар майдонга тўрт килограмм миқдорида сарфланади.

Кейинги йилларда пахтачиликка, сабзавот, полиз ҳамда картошка экинларига икки турдаги оққанотлар кўп зарар етказмоқда. Айниқса, шу кунларда оққанотлар кўпайиб бораётир. Бу ҳашорат қайси хўжаликда иссиқхона бўлса ўша ердан атрофдаги экинзорларга тарқалаётир. Агар зудлик билан чора кўрилмаса зарар етказиши тайин. Оққанотнинг кўпайиб кетиши олдини олиш ва бўлажак ҳосилни сақлаб қолиш мақсадида май ойи мобайнида ва июнь ойида назоратни кучайтириш талаб этилади. Унга қарши қуйидаги химикатлардан бири ишлатилади: ҳар гектар майдонга 0,6 литр сумицидин, 0,2 литр рипкорд, 0,6 литр амбуш, 0,3 литр актелик, 1 литр карбофос ва бошқалар қўлланилиши фойдадан ҳоли бўлмайди. Унга қарши биологик усул ҳам қўлланилиши мумкин. Ҳозирги пайтда институтимиз қошидаги иссиқхоналардан ҳамда Хоразм вилоятининг Шовот ноҳиясидаги регионал лабораториямиздан керагича энкарзия ҳашоратини сотиб олиш имконияти бор.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, жумҳуриятимизнинг боғ-роғларида амалга ошириладиган ишлар ҳам талайгина. Ҳозирги шароитда аввало боғларда ҳосилнинг қанчаси қолганини аниқлаб, уларни тўла сақлаб қолишга ёрдам берадиган агротехник тадбирларни тўғри белгилаш лозим. Ҳосили нобуд бўлган дарахтларнинг қаровсиз қолишига йўл қўймайлик. Ҳозирча боғ-роғларда химиявий препаратлар ишлатишнинг иложи йўқ. Шу боис бу ишда биологик усуллар қўл келади.

Боғлардаги асосий зараркунандалар жумласига олма қурти, боғ куяси ва каналарни киритиш мумкин. Олма қуртига қарши кураш ишларини кучайтириш учун боғ назоратчиларини тайинлаш ва фақат уларнинг маълумотларига асосан амалий иш қилиш даркор. Назоратчилар ишини енгиллатишда феромон тутқичлардан кенг фойдаланиш яхши ёрдам беради. Феромон тутқичларини ҳар уч гектар ерга бир донадан илиш керак. Ўз вақтида олма таги ни юмшатиб туриш, аввало агротехника нуқтаи назаридан муҳим бўлса, иккинчидан зараркунандаларнинг камайишига олиб келади.

Жуда кўп ҳолларда давлат ва жамоа хўжаликларида зараркунандаларга қарши кураш чоралари қўнгилдагидек ўтказилади. Бироқ шахсий хўжаликларда бунга эътибор берилмайди. Охир оқибатда улар зараркунандалар ривожланадиган жойга айланиб қолади. Шу сабабли шахсий хўжаликлар ҳам ҳар бир дарахтга бир-иккитадан феромон қутичалари илишлари керак.

Боғларда зараркунандалар кўпайиб кетган ҳолларда битоксибациллин ва дендробацилдин ишлатилиши тавсия этилади. Боғларнинг ашаддий кушандаси бўлиб бораётган куяларга, айниқса, дўлана-гирдак куясига қарши курашда ҳам ҳашоратнинг ривожланиш даврини яхши билиш зарур. Худди шу даврда кураш олиб борилса, куядан қутилиш мумкин.

Боғнинг яна бир ашаддий кушандаси канадир. Унга қарши боғни ўз вақтида суғориб туриш, намликни сақлаш ва олтингугуртнинг турли формаларини зарур пайтда қўллаб туриш яхши натижа беради.

Сабзавот экинларининг асосий кушандаси ҳозир оққанот бўлиб турибди. Унинг хавфини ҳис этиб, кўпайиб кетишига йўл қўймайлик. Унга қарши энкразия ҳашорати яхши самара беради. Тунламга қарши трихограмма ва габробракондан фойдаланиш керак бўлганда дендробацилиннинг 0,2 — 0,3 фоизли эритмасини ёки битоксибациллиннинг 0,4 — 1 фоизли эритмасини қўллаш тавсия этилади.

Хуллас, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши биз юқорида тавсия этган усулларни қўллаш табиий офат оқибатларини тугатишда, келгусида барча экинлардан мўл ҳосил олишда ёрдам беради, деган умиддамиз.

Шу кунларда дала меҳнаткашлари катта синовдан ўтмоқдалар. Ўйлаймизки, улар бой тажриба ва маҳоратларини ишга солиб, фан ютуқларидан самарали фойдаланиб, аҳволни ўнглаб олиш чораларини кўрадилар.

ЖАБРЛАНГАНЛАРГА ЁРДАМ

● Жумҳуриятимизда об-ҳавонинг ёмон келиши оқибатида юз берган фалокатларнинг дастлабки натижалари маълум бўлиши билан оқ Узбекистон ССР Меҳр-мурувват ва сиҳат-саломатлик жамғармасининг ходимлари Наманган вилояти аҳолисига ёрдам бериш учун пул маблағлари юборишди.

Улар бу вилоятни бекорга танлашгани йўқ: жала ва сел Наманган қишлоқларига жуда катта зарар етказди. Пайхон бўлган боғлар ва полизлардан ташқари, вилоятда неча мингдаб уй-жойлар шикастланди, уларнинг кўпчилигини тиклаш мумкин эмас. Баъзи қишлоқларда сел хонадонлардаги ҳайвонларни оқизиб кетди.

Бундан ташқари, тоғли районларда кучли сел келиши натижасида неча ўнлаб кўприклар ювилиб кетди, икки километр алоқа йўли ва яна шунча электр линиялари бузилди. Икки юздан ортиқ дала шийпони, оғилхоналар ва бошқа ишлаб чиқариш бинолари шикастланди, 75 километрлик ихота тўғонларини сув уриб кетди, 60 километрдан кўпроқ суғорма новлар бузилди. Жумҳуриятимиз вилоятларининг кўпчилигида меҳр-мурувват ва сиҳат-саломатлик жамғармасининг бўлимлари табиий офатдан жабрланган кишиларга моддий ҳамда бошқа турдаги ёрдам кўрсатмоқда.

(ЎзТАГ).

КАРАМДАН МЎЛ ҲОСИЛ

● Узбекистон районидаги сабзавотчиликка ихтисослашган Муқимий номли жамоа хўжалиги аъзолари 364 гектар ерга турли хил сабзавотлар экишган. Бу йил улар эл дастурхонига 10 минг тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Сабзаватчилар дастлабки меҳнат ютуғини қўлга киритишди. 57 гектар ерга экилган эртаки карамдан режадаги 1032 тонна ўрнига 1100 тонна карам йиғиштириб олишди.

— Пайкалларимизда ҳали ҳосил мўл. Шу ерларнинг ўзидан давлатга яна минг тонна эртаки карам сотамиз, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Йўлдошали Ҳожиматов, — хўжалигимиз Қўқон шаҳрининг ёнида жойлашган. Май ойининг дастлабки кунлари Қўқон бозорларида шахсий томорқаларда етиштирилган ҳар бир килограмм карам 2,5 — 3 сўмдан сотилаётган эди. Биз бозорга карам чиқара бошлагач шаҳарда эртаки карам нархи тўрт бараварга пасайди.

Хўжаликда сабзавот етиштиришнинг конвейер усули қўлланиляпти. Шу кунларда эртаки карамдан бўшаган майдонларга кечки карам, сабзи ва бошқа сабзавот экинлари экиш тараддуди бошланди.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИККИСИ БИР БАЙТ ҒАЗАЛДАН...

Яна бир неча кундан сўнг қардош Тожикистоннинг сўлим Душанбе шаҳрида Ўзбекистон маданияти кунлари бошланади. Шу байрам арафасида мухбиримиз Ўзбекистон маданият вазири Н. Е. ҒОЙИБОВ билан суҳбатлашди.

— **Ўзбекистон ва Тожикистонда ўзаро маданият кунлари охирги марта бундан ўн йил бурун — 1981 йилда ўтказилган эди. Ҳар ҳолда оралиқ муддат қисқа эмас. Икки жумҳурият жамоатчилиги, маданият арбоблари бу эзгу тадбирни соғиниб қолишган эди, десак хато қилмаган бўламиз.**

— Фикрингизга қўшиламан. Бир-бирини соғиниб, бир-бирини истаб, бир-бири билан мунтазам дийдорлашиб турган халқлар ҳеч қачон кам бўлмаган. Бунга ери ерига туташ, дили бир, дини бир ўзбек ва тожик халқларининг дўстона алоқалари ёрқин мисол. Икки қардош жумҳуриятнинг ҳар томонлама ривожланиши ва равнақида мана шундай яқинлик жуда катта роль ўйнамоқда. Ғоятда эзгу тадбир бўлган маданият кунлари эса ушбу яқинликни янада кучайтиришга хизмат қиляпти. У шунинг учун ҳам қимматлидир. Шу боис биз Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарларининг навбатдаги маданият кунларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини қувонч билан кутиб олдик.

— **Наим Ёвқочевич, аввал икки қўшни халқ маданиятини бойитишга ҳисса бўлиб қўшилган кейинги ижодий алоқалар ҳақида қисқача гапириб берсангиз.**

— Тожикистоннинг бутун мамлакатимизга таниқли машҳур ижодий жамоалари, театрларини бизнинг жумҳуриятимизда ҳам яхши билишади. Ижодий сафарлари маршрутлари Тошкент томонга йўналса, санъат мухлисларимиз қардош санъаткорларни албатта катта қизиқиш билан кутиб оладилар. Шуниси диққатга сазоворки, баъзан бир даста ёки театрнинг гастроли ўзига хос маданият байрамига айланиб кетади. Икки йил бурун жумҳуриятимизга Лоҳутий номидаги тожик давлат Академик драма театри ташриф буюрганида бунга такрор гувоҳ бўлганмиз. Ушанда дўстларимиз репертуарларидаги энг сара асарлар билан келишган эди.

Конибодом драма театрининг, шунингдек, Душанбе жумҳурият қўғирчоқ театри, Ленинобод вилоят театрларининг гастроллари ҳам бугунги тожик саҳна санъатининг ютуқлари билан таништирди. Атоқли ҳофиз, СССР халқ артисти Жўрабек Муродов, бетакрор раққоса, СССР халқ артисти Малика Қаландарова, Тожикистон ССР халқ артисти Жўрабек Набиевларнинг концертлари қўшиқ, куй ва рақс санъатининг илҳомбахш изланишлари сифатида юртдошларимизни мафтун этди. Санъаткор қардошларимиз ўзбек шоирлари ва бастакор-композиторлари асарлари асосида махсус дастур тайёрлаб келганликларини кўрганимизда нечоғлик хурсанд бўлганмиз. Бу асарлар дўстлик ва қардошликка мадҳия бўлиб янграб турибди.

Айни вақтда бизнинг ижодий жамоаларимиз ва театрларимиз Тожикистонда бўлиб, бадиий маданиятимизнинг бугунги изланишлари ҳақида бир неча бор ҳикоя қилдилар. Бу ўринда Ҳамза номидаги, Аброр Ҳидоятов номидаги театрларнинг сафарларини алоҳида таъкидлаб ўтаман. «Лазги», «Зарафшон» дасталари, шунингдек, таниқли қўшиқчилар Ғуломжон Ёқубов ва Ортиқ Отажонов группаси ҳам Душанбе ва бошқа шаҳарларда ўз дастурларини намойиш этиб қайтдилар.

Ижодий сафарлар фақат спектакль кўрсатиш ёки концерт намойиш этиш билан чекланилган эмас. Қардошларимиз билан яқиндан, дилдан мулоқотлар бўлиб ўтди. Ўзаро ижодий

ТОЖИКИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ОЛДИДАН

ҳамкорликнинг янги йўллари ҳақида фикрлашиб олинди.

Шуни мамнуният билан айтиб ўтишимиз керакки, улуғ тожик шоири ва мутафаккири Абдураҳмон Жомийнинг 575 йиллиги бизнинг жумҳуриятда ҳам муносиб нишонланди. Шу тарихий воқеа муносабати билан уюштирилган учрашувлар ва мушоиралар Тошкентдаги Алишер Навоий номли Катта академик театрда тантанали кеча билан якунланди.

— **Тожик миллий маданияти ва санъати арбобларининг асарларини тарғиб қилаётган ижодий жамоаларимизнинг фаолияти ҳақида нима дейсиз?**

— Уларнинг изланишлари диққатга сазовор. Масалан, Самарқандда яқиндагина иш бошлаган ёшлар театр-студияси тожик тилида мароқли спектакллар намойиш этмоқда. С. Айний номидаги Бухоро вилоят театри тожик драматурги Ш. Қиёмовнинг «Баҳодир», И. Исломовнинг «Эски дарахт афсонаси» пьесаларини саҳнага қўйиб, ўз мухлислари эътиборига ҳавола этди. Қадимий шаҳарнинг ёш томошабинлари Ҳамид Олимжон асари асосида тайёрланган «Ойгул ва Бахтиёр» спектаклини тожик тилида томоша қилмоқдалар. Самарқанд опера ва балет театрининг репертуаридан тожик композиторлари Ф. Баҳорнинг «Мақоми ишқ» балети ўрин олди. Бу театрда Тожикистон давлат опера ва балет театрининг етакчи санъаткорлари мунтазам равишда меҳмон бўлиб келмоқдалар. Яқинда Самарқанд театри репертуарида пайдо бўлган «Трубадур» (Верди асари) операсини душанбелик режиссёр Ш. Ниёзов саҳнага қўйди.

Ўтган йили тожикистонлик дўстларимизнинг таклифлари билан Нов театрига атоқли ўзбек актёри Шукур Бурхонов номи берилган эди. Бу театрнинг Бухоро ва Жиззах вилоятларига қилган ижодий сафарлари катта муваффақият билан якунланди. Яқин орада Наманганга Т. Фозилов номидаги Конибодом театри ижодий жамоаси ташриф буюради.

Кўриниб турибдики, дўстона борди-келдилар, ўзаро ижодий алоқалар мунтазам давом этяпти. Бу сафарлар ва учрашувларнинг биронтаси изсиз кетмаяпти. Аксинча, кутилганидан ҳам зиёда янгиликлар ҳадя этяпти.

— **Энди маданият кунлари географияси, иштирокчилари ва дастури ҳақида тўхталсангиз.**

— Учрашувлар Душанбе аэропортида дўстлик митинги билан бошланиб, бутун жумҳуриятда давом этади. Маданият кунлари қатнашчилари сафида жумҳуриятимиз ижодий уюшмаларининг таниқли вакиллари бўлади. Масалан, Ёзувчилар уюшмаси «Ўзбек ва тожик адабиётларининг ўзаро ижодий алоқалари ҳақида» давра суҳбати уюштиради. Архитекторлар ва рассомлар уюшмалари тасвирий ва амалий-декоратив санъат кўргазмаларини намойиш қилади. «Ўзбекистоннинг архитектура ёдгорликлари» деган суратли кўргазма ҳам кунлар дастурларидан ўрин олган. Душанбедаги Фирдавсий номидаги кутубхонада китоб кўргазмаси ташкил қилинади. Кинематографчилар уюшмаси мини-фестиваль уюштирмоқчи. Композиторлар уюшмаси Хўжанд, Нов, Пролетар районларида меҳнаткашлар билан бир нечта учрашувлар ўтказишни мўлжаллаган.

Маданият кунларида «Баҳор», «Ялла», «Зарафшон» дасталари иштирок этадилар. Улар қардошларимиз ҳузурига янги куй, қўшиқ ва рақслар билан бормоқдалар. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Шерали Жўраев ва Ғуломжон Ёқубов дўстларимиз саҳналарида, давраларида бугунги ўзбек қўшиқчилигининг ютуқларини намойиш қиладилар. Уларнинг репертуарида тожик шоирлари шеърлари асосида яратилган тароналар, шунингдек, тожикча қўйланадиган қўшиқлар бор.

— **Маданият кунлари Алишер Навоий йилида ўтяпти. Қардошлар ҳузурида ана шу воқеа муносабати билан ҳам тадбирлар уюштириш кўзда тутилганми?**

— Биз Тожикистонда бўлганимизда шеърият мулкининг султони ва буюк мутафаккирнинг ғояларини тарғиб қилишга интиламиз. Тарихий санага бағишланган гурунглар бўлади, албатта. Лекин 550 йиллик тўй муносабати билан Тожикистонда ўтказиладиган тадбирларни дўстларимиз аллақачон бошлаб юборганлар. Кунигача Душанбедан хушхабар олдик. У ерда Тожикистон Фанлар академияси «Навоий ва тожик адабиёти» мавзуида илмий конференция уюштирди. Академик Муҳаммад Осимий раҳбарлигида ўтган бу илмий анжуманда рангбаранг мавзуларда маърузалар тингланди. Энг муҳими, тожик қардошларимиз навоийшуносликка янги саҳифалар ҳавола қилганлар.

Ишончимиз комилки, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий даъватларига фаол амал қилаётган адабиёт ва санъат арбоблари етакчилигида ўтадиган навбатдаги маданият кунлари ҳам халқларимиз дўстлиги, биродарлиги ва ижодий ҳамкорлигида янги саҳифа ёзиб қолдиради.

Суҳбатдош Юсуф БЕРДИЕВ.

ХАЙРЛИ ИШ

Жумҳуриятимизда билимдон, тажрибали муаллим кадрларга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Чунки кейинги ўн йилликларда ўқитувчининг обрўсига путур етгани, жамиятда уларнинг мавқеи пасайиб кетганлиги ҳақида жуда кўп гапирдик. Ешлар орасида билим олишга бўлган интилиш пасайди, чаласавод, касб-ҳунар ўрганишга лаёқатсиз ёшлар пайдо бўлди.

Бу муаммони ҳал этиш учун биринчи навбатда ўрта мактабларга бўлган талабни ошириш зарур эди. Шу муносабат билан ўтган йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Келажагимиз мактабда» дастурини эълон қилганди. Педагогик жамоалар, муаллимлар тайёрловчи билимгоҳлар, билим юртлари жамоалари бу муҳим тадбирни бажаришга астойдил киришдилар. Жумладан, Халқлар дўстлиги орденли Низомий номли Тошкент Давлат педагогика билимгоҳи профессор, ўқитувчилар жамоаси ҳам бир қанча ижобий тадбирларни амалга оширдилар.

Шу ўринда жумҳуриятда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Собитхон Носирхўжаев раҳбарлигида амалга оширилган одоб, аҳлоқ мавзуларида ташкил этилган кўргазмали ишларнинг қиймати каттадир. Олим бўлажак муаллим, талабаларга чуқур билим бериш билан бирга жамоатчилик асосида билимгоҳда катта ишларни бажармоқда. «Одобнома» мавзуида 1-курс талабаларининг ўзбек ва рус тилида баён этилган тантанали ваъдаси матни, битирувчи курсларнинг матни ўз ифодасини топган кўргазмали ишларидан талабалар баҳраманд бўлишмоқда.

ОДОБНОМА

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИ ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «БИТКАЗУВЧИЛАРИНИНГ ВАЪДАСИ

«Келажагимиз — мактабда» мурожаатига жавоб.

ОБЕЩАНИЕ МОЛОДОГО УЧИТЕЛЯ — НАСТАВНИКА

В ответ обращению ЦК Компартии Узбекистана «В школе — наше будущее».

Ҳозирги кунда ёш йигит-қизлар орасида ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, аҳлоқ-одоб борасидаги йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш йўлида бу тадбирнинг аҳамияти жуда каттадир. Билимгоҳнинг энг кўзга кўринарли жойларига илиб қўйилган «Одобнома» матнини қироат қилган ёшлар албатта ундан катта маънавий озуқа оладилар. Яна бир мавзу — «Инсонпарвар демократик социализм» Марксизм-ленинизм, социализм ҳақидаги назарий қоидалар берилган бу матн ўзбек ва рус тилларида ишланган. Бундан ташқари алоҳида матн шакли ва ранг-баранг ҳарфлар билан ишланган. Ҳозирги кунда ушбу матн ҳар бир талаба учун ўзига хос ҳужжат, ҳаётий дастур, ҳаётий ҳақиқат, ҳаётий ҳаракат ва ҳаётий ҳаёт ҳисобланади.

ОДОБНОМА

I КУРС — ТОРЖЕСТВЕННОЕ

Ҳозирги кунда ёш йигит-қизлар орасида ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, аҳлоқ-одоб борасидаги йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш йўлида бу тадбирнинг аҳамияти жуда каттадир. Билимгоҳнинг энг кўзга кўринарли жойларига илиб қўйилган «Одобнома» матнини қироат қилган ёшлар албатта ундан катта маънавий озуқа оладилар. Яна бир лида жадвалга туширилган ишлар таълим-тарбия жараёнида айниқса қўл келаётир.

Собитхон Носирхўжаев бу муҳим тадбирларни амалга оширишда байналмилал тарбияга алоҳида эътибор беради. Зеро, бугунги кунда ёшлар орасида байналмилалчилик, меҳр-шафқат туйғуларини жўш урдириш руҳида тарбиялаш муҳим зарурий вазифамиздир.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида олий, ўрта таълим ва мактабларида «Одобнома» фанини ўқитиш масаласи кўриб чиқилди. Унда «Одобнома» дарслик китобларини, кўргазмали қуроллар, уларни ёзиш ва нашр этиш вазифалари аниқ белгилаб берилди. Шу боисдан ҳам олим С. Носирхўжаев томонидан тайёрланган бу ижодий ишнинг айрим камчиликлари тузатилиб, тўлдирилиб, олий, ўрта таълим мактабларига мослаштириб нашр қилинса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Мазлума АСҚАРОВА,
СССР Педагогика фанлари академияси мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор.

Ботир **МИРЗАМУҲАМЕДОВ,**
педагогика фанлари доктори, профессор.

Ўлмас МАҲКАМОВ.
педагогика фанлари кандидати, доцент.

СПОРТ

ВЕЛОПОЙГА:

ФАХРЛИ ЎРИН

● ҚОЗОҒИСТОН ва Ўрта Осиё жумҳуриятлари спортчиларининг анъанавий «Дўстлик» мусобақаси дастури бўйича ташкил этилган баҳс кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Ўзбекистонлик халқаро классдаги спорт устаси А. Зайцев ўзини кўрсатди. У 25 километрга ўтказилган бошланма пойгада 34 минут 28,1 секундли натижа билан ғалаба қозонди. 60 километрли кретриум пойгада ҳам ғалаба қозонди. Олмаоталик пойгачилар айланма пойгада зафар қучишди. Мусобақада қозоғистонликлар жамоа ҳисобида биринчи, ўзбекистонликлар иккинчи, қирғиз пойгачилари учинчи ўринларни эгаллашди.

ФУТБОЛ:

УРИНБОСАРЛАР БАҲСИДА

● ИККИНЧИ лиганинг шарқий минтақасида куч синашаётган жамоалар мавқеларини мустаҳкамлаб, мухлислар ишончини қозонишга ҳаракат қилишмоқда. Учрашувларда жумҳуриятимиз футболчилари қуйидаги натижаларга эришдилар: «Автомобилист» —«Химик» — 3:1, «Суғдиёна» — «Олға» — 0:0, «Целинник» — «Сурхон» — 2:0, «Жетису» — «Нурафшон» — 1:1. Ҳозир жумҳуриятимиз жамоалари 9—12 тадан очко жамғариб, ўйинлар жадвалининг ўрта поғоналаридан жой олиб туришибди. Фақат «Сурхон» учта очко билан охирги ўринда бормоқда.

ХУШХАБАРЛАР

ЖИЗЗАХ

Атлас—тадбиркорлик маҳсули

● **«Ғаллаорол» давлат хўжалигидаги маъмурий биноларнинг бири бўшатилиб, атлас цехи ташкил этилди. Бу ҳозирча вилоятда жаҳонга довруғи кетган атлас ишлаб чиқарадиган ягона корхонадир.**

Цехни ташкил этиш, маҳаллий қизлардан тўқувчилар тайёрлашда фарғоналик мутахассислар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда атлас тўқиш жиҳозларининг сони 12 тага етказилгач, ишчи-хизматчиларни арзон атлас билан тўла таъминлаш, ҳатто давлат дўконларига маҳсулот чиқариш имкони туғилади.

Хўжаликда шунингдек Тошкент мўйна ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда терини қайта ишловчи цех барпо этиш тадбирлари ҳам кўрилмоқда.

Кичик корхоналарнинг ташкил этилиши хўжалик аҳолисини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишдаги муаммоларни ижобий ҳал этишда чинакам қўл келаётир.

«Дўстлик» намунаси

● **Вилоятдаги бошланғич партия ташкилотлари ташаббуси билан ҳар йили баҳор фаслида «Энг намунали маҳалла» кўригини ўтказиш янги анъаналар қаторидан ўрин олди.**

Дўстлик районидаги Саркисов номли хўжалик маҳаллалари бу тадбирга айниқса пухта тайёргарлик кўришди. Баҳор кириши билан тозалик ва тартиб-интизомни сақлаб, ободончилик ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини авж олдирган маҳаллалар мусобақаси якунига кўра турли миллат вакиллари истиқомат қилаётган «Дўстлик» маҳалласи ғолиб чиқди. Д. Абдуллаева, Б. Жўраева, М. Солиева кабилар энг яхши уй бекалари деб тан олинди.

Совғамизни қабул эт, Чернобиль!

● **Маълумки, Чернобиль атом электр станциясидаги фалокат туфайли икки миллиондан зиёд аҳоли радиация нурлари билан заҳарланганди. Вақт ўтиши билан нурланишнинг оғир оқибатлари янада равшан бўлаётир. Белоруссиядаги махсус болалар касалхоналари сони тобора кўпаймоқда.**

Киши танасини радиация нурларидан тозалашда қуруқ мева истеъмол қилиш яхши натижа беришини тиббиёт мутахассислари аниқ исботладилар. Шу боис тинчликни ҳимоя қилиш Жиззах вилояти қўмитаси мактаб ўқувчиларига қарата Белоруссиядаги тенгдошларига ёрдам бериш ҳақида мурожаат қилди. Мурожаатнома вилоят мактабларида ҳайрихоҳлик билан кутиб олинди. Қисқа фурсатда ўқувчилар майиз, туршак, данак, ерёнғоқ каби қуруқ мевалар солинган кичик ҳалтачалар тайёрлашди.

Яқинда жумҳурият фуқаролари авиацияси жиззахликлар ташаббусини қўллаб-қувватлаган ҳолда жами йиғилган беш тонна қуруқ меванн ҳайрия рейси орқали Белоруссияга етказди.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХЕНИЗАЦИЯЛАШТИР И Ш МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ КУЛЛИЁТИНИ 1981 ЙИЛДА БИТИРИБ КЕТГАНЛАРНИНГ УЧРАШУВИ
1991 ЙИЛ 31 МАЙ СОАТ 11.00 ДА

ОЛИЙ БИЛИМГОҲ БОШ БИНОСИ ОЛДИДА ЎТКАЗИЛАДИ

Ташкилий қўмита

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси

«КИБЕРНЕТИКА» Ўзбекистон илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳисоблаш маркази билан

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ КИБЕРНЕТИКА ИЛМГОҲИ

лабораториялар бўйича бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: ишлаб чиқаришни диалогли бошқариш, ишлаб чиқариш ва технология системаларини моделлаштириш, ташкилий-иқтисодий системаларда ахборотлаштириш ва бошқариш, транспортда ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш;

Камида 5 йиллик илмий педагогика фаолиятига эга бўлган фан докторлари ва номзодлари танловда иштирок этишлари мумкин.

Бош илмий ходим: ташкилий-иқтисодий системаларда ахборотлаштириш ва бошқариш.

Танлов муддати — 8 июнгача.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700125, Тошкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 34-уй. Телефонлар: 62-56-36, 62-73-21.

●

Ташкилотлар, корхоналар ва илмий марказларнинг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!
«ЮНИТЕХ АЗИЯ» ХАЛҚАРО ИЛМИЙ МАРКАЗИ

бошқарув, ҳисоблаш техникаси, информатика, автоматлаштириш, математикавий ва иқтисодий кибернетика соҳаларидаги совет мутахассислари орасидан фан номзоди илмий даражасини олишга талабгорлар учун

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қабул муддати — 1991 йил 31 майгача.

Химияга тайёргарлик муддатлари талабгорнинг қанчалик тайёр эканлиги билан боғлиқ ҳолда белгиланади.

Ўқитиш ва ҳимояга тайёрлаш хўжалик ҳисоби асосида олиб борилади.

Манзилимиз: 700125, Тошкент шаҳри, Володарский кўчаси, 26-уй. Маълумотлар олиш учун телефон 62-89-65.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

профессорлар: саноатда иқтисод ва режалаштириш, пул муомаласи ва кредит;

доцентлар: иқтисодий информатика ва автоматлаштирилган бошқарув системалари;

катта ўқитувчилар: ҳисоблаш техникаси, меҳнат иқтисоди ва социологияси (2), УФСда сиёсий иқтисод (3), моддий ресурсларни бошқариш (4), молия (2); иқтисодий кибернетика (2), саноат ва қурилишда ҳисобга олиш, назорат қилиш ва маъмурий-хўжалик фаолияти; ташқи иқтисодий фаолиятда ҳисобга олиш, назорат қилиш ва маъмурий-хўжалик фаолияти, технологиялар системаси, савдо иқтисоди (4), халқ хўжалиги ва иқтисодий таълимотлар тарихи.

АНДИЖОН БЎЛИМИ

кафедра мудири: олий математика.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 1 ИЮНГАЧА.

Манзилимиз: 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49-уй.

УЗБЕКИСТОН «БИЛИМ» ЖАМИЯТИ

Олий ўқув юртига кирувчилар учун математика, физика, биология ва ўзбек тили адабиётидан 60 соат ҳажмида кириш имтиҳони программаси асосида, ўзбек ва рус тилларида 11 июлдан 15 июлгача эрталаб соат 8 дан то кундуз 12.00 гача.

ЛЕКЦИЯЛАР ТУРКУМИНИ УЮШТИРАДИ.

Лекцияларни олий ўқув юртларининг олимлари олиб боради. Ўқиш Лекторлар уйининг (А. Қодирий, 13). Катта зали ва энг кейинги ўқув техникаси билан жиҳозланган ўқув залларида ўтади.

Абонимент баҳоси 50 сўм.

Тошкент қишлоқ хўжалик техникумининг маъмурияти, партия, касаба уюшмаси ташкилотлари, ўқитувчи ва ишчи-хизматчилари техникум ўқитувчиси С. Шарафутдинова рафиқаси

Машарам ШАРАФУТДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳи жамоаси «Пахта ва кимёвий толаларни йигириш» кафедрасининг доценти А. Ҳ. Қаюмова онаси

Хадича МАЪДАЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Адабиёт институти дирекцияси, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари илмий ходим А. Қозиҳўжаевга отаси

Аҳмадхон ҚОЗИҲЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот илмгоҳи жамоаси Қашқадарё вилоят агросаноат уюшмаси бўлим бошлиғи

Ислом АЗИЗОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Республика прокуратураси нинг раҳбарияти ва жамоаси Жиззах вилояти прокуратурасининг маъсул ходими, прокуратуранинг фахрий ходими

Ибрай ЕРМАКОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат маданият олий билимгоҳи жамоаси педагогика ва психология кафедрасининг доценти Л. С. Долимовага отаси

Субутой ДОЛИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат санъат олий билимгоҳининг кекса ўқитувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият арбоби, «Рангтасвир» кафедрасининг профессори

Тачат Амаянович ОГАНЕСОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Телевиденкеси адабий-мусиқий кўрсатувлар ижодий бирлашмаси жамоаси шу бирлашманинг катта муҳаррири Г. Сатторовага отаси

Ўринбой МАҲМАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

● БИЗГА ЁЗАДИЛАР

Эътибор шуми?

Музейларни халқ тарихининг кўзгуси дейишади. Уларда тўпланган бойликни эса ҳамиша асраб-авайлаш керак. Жумҳуриятимизнинг қадимий музейларидан ҳисобланган Ойбек номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейи қарийб уч йилдан бери ёпилганича турибди. Бунга асосий сабаб музей жойлашган бинонинг фойдаланиш учун хавфли ҳолатда эканидир.

Музей ходимлари ўз фаолиятларини тўхтатганлари йўқ. Улар музейдан ташқарида маданий-оқартув ва илмий тушунтириш ишларини олиб бориш билан серқуёш ўлка халқлари тарихини тарғиб ва ташвиқ қилмоқдалар. Музейни янги экспонатлар билан бойитиш йўлида ҳаракатлар бор. Сирасини айтганда, жумҳурият музейи биносини янгилаб бериш муаммосини ҳал этиш йўлида изланишлар кетяпти. Лекин шу ҳаракатларнинг самараси кўзга ташланмаяпти. Ваҳолонки, биз музейимиз ташкил топганлигининг 115 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўряпмиз. Бошпанасизлик имкониятлардан етарли фойдаланишда панд бериши табиий. Қачонгача эски биноларга кўчиб юрамиз?

М. СУЛТОНОВ,
Ойбек номидаги Ўзбекистон ССР халқлари музейи катта илмий ходими.

ТАБИИЙ ОФАТ РЎЙ БЕРГАН ЖОЙДА

ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

Наманган вилоятида яна табиий офат рўй берди. Бу гал табиий офатдан айниқса Чуст районн халқи жиддий зарар кўрди. Утган шанба куни тунги соат 2 га етмасдан ноҳиянинг Ақча, Кардон, Булоқбоши, Шўрбулоқ каби ўндан ортиқ қишлоқлари кўчаларида ички ишлар бўлими ходимлари маҳаллий аҳолини уйғотиб, ҳушёрликка чақиришди.

Чиндан ҳам бир зумда ер юзини оппоқ дўл қоплади. Айрим жойларда унинг қалинлиги 15—20 сантиметрга етди. Орадан ярим соат ўтмай эса дўл ва жала селга айланиб, йўлдаги бор нарсани ювиб кета бошлади. Одамлар ҳаёти сақлаб қолинди. Аммо паррандa, чорва молларининг ҳаммасини асраб қолишнинг имкони бўлмади.

Навоий номли жамоа хўжалиги ҳудудига кириб борар эканмиз, катта йўлнинг икки четида пахта майдонларини лойқа босиб ётганини кўрдик. Айрим жойларда лойқа ҳатто катта асфальт кўчаларга ҳам чиқиб кетган. Ленин номидаги жамоа хўжалигида ҳам аҳвол шу. Дўлдан пайдо бўлган «оқ тоғлар» қалинлиги 1—1,5 метрга етган. Далаларда эса ҳеч қандай экин қолмабди. Ҳатто олмазорлардан оққан селдан дарахтларнинг илдизи кўриниб қолган.

«Ленинград» жамоа хўжалигида аҳвол бундан ҳам аянчли. Айниқса, Ақча қишлоғи аҳолиси жиддий зарар кўрган. Қишлоқ ўртасидан оқиб ўтган Булоқбоши ариғи кенгайиб сойга айланиб кетибди. Ариқ қирғоқларида селда оқиб келган қўй, сигир паррандалар. Беш-олти киши уларни четга олиб, кимники эканлигини аниқлаб, рўйхат қиляпти. Қаттиқ шикастланиб, деворлари қулаган анчагина хонадонлар бор.

Хуллас, ноҳия аҳолиси айни пайтда нотинч кунларни бошдан кечирмоқда. Лекин улар ёлғиз эмас. Зарар кўрган хонадонларга ғамхўрлик қилиняпти. Табиий офат рўй берган қишлоқларга ўша куниёқ республика партия ва ҳукумати вакиллари етиб келишди. Улар маҳаллий аҳоли билан бирга елкама-елка туриб талофат оқибатларини тугатишга бошқош бўлмоқда.

Табиий офатдан кўрилган моддий зарар бир неча миллион сўмни ташкил этиши табиий. Ҳозир кўрилган зарар мутахассислар томонидан ҳисоб-китоб қилинмоқда.

А. МАДАТОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-84-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб —32-54-29; фельетонлар— 32-54-27; безатиш—32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5381.

№ 100. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12